



«ҲАРАКАТ
ХАВФСИЗЛИГИ
ОЙЛИГИ» ДАВОМ
ЭТМОҚДА

6

ЛОЛА –
«СНАЙПЕР»

8




Кече футбол
бўйича жаҳон
чемпионати
бошланди

21



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!



Сенга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри •

2006 йил 10 июнь, шанба

• 23 (3657)-сон

ХИРМОНИМИЗГА БАРАКА!



Мен таъзим қиласман бугдой пойига,
Ҳали ҳеч кимса-ку бошим эгмаган.
Одамлар бор ахир, туққан жойига,
Бир бошоқ бугдойча нафи тегмаган.
Чўксин қошингизга тоглар, қоялар,
Сиз бунга лойиқсиз, бугдойпоялар.

Андижон дейсизми ё Самарқандир,
Қандай ўзбек бўлса, уйида тандир.
Шоурлар юртимас кимдир айтгандек,
Аслида, бу диёр дехқон – Ватандир.
Сизда жами ҳикмат ва ҳимоялар,
Сиз зўр машойихсиз, бугдойпоялар.

Тинчлик қандай улуғ! Тинчлик қандай соз!
Мен сўз уммонида ношуд бир гаввос.
Қорним тўқ, устим бут, яна нима дей,
Бир бор қошингизга бош эгдим, холос.
Асли минг қуллукқа арзир доялар,
Бугдойпояларим, бугдойпоялар!


Муҳаммад ЮСУФ.

Суратда: Богот тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, катта лейтенант Озод Оллаберганов «Ғани-мат» фермер хўжалиги раҳбари Комил Абдуллаев ҳамда галлакор Қадам Абдуллаев билан.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.



POSTDA-TV



МУНАҲИМЛАР
БАШОРАТИ
Келгуси ҳафта учун

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлигига
Германия Федератив Республикаси Бундестаги ХДС/ХСС
фракцияси турху раҳбари Йохан-Конрад Фромме
бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.

Мөхмөнларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти таъсис этилган лигининг ўн йиллиги арафасида турибмиз. Шу сабабли жорий йилнинг 15 июнь куни ўтказилиши режалаштирилган Шанхайдаги бўлажак Саммит алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур ҳалқаро ташкилот ўзининг босиб ўтган қисқа даври давомида унга аъзо давлатлар – Хитой, Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистон ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари, ўзаро ишонч ва



дўстликни чуқурлаштиришда, минтақада хавфсизлик ҳамда баракорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. ШХТ мамлакатлари ҳамкорлигининг асосий ўналлиари умум хавфсизликни, баракорликни, иқтисодий тараққиёт, аксилтерор тадбирларини биргаликда режалаштириш ва ўтказиш, туманинтар соҳада ҳамкорликни таъминлашдан иборатdir.

Бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва баракорлигига хавф соловчи турли таҳдидлар мавжуд. ШХТ давлатлараро ҳамкорликнинг мурakkab вазифаларини ҳал этиш учун кенг имкониятларга эга бўлиб, бу ҳеч шубҳасиз, ҳалқаримиз ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга кўмаклашмоқда.

Шу дарв ичиде ҳамкорликка оид кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда ташкилотнинг ҳукуқий асоси яратилди. Айниқса, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик кенг йўлга кўйилганлиги бутун минтақада баракорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ташкилотнинг ҳалқаро майдондаги фаолияти, ташки алоқалари кенгайиб, нуфузи тобора ўсиб бормоқда.

ШХТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва манбаат, тенг ҳукуқли маслаҳатлашувлар, бирга-

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

ДЎСТОНА
ҚАБУЛ

қабул қилди. У делегация аъзоларига вазирликнинг асосий фаолият йўналишлари ҳақида гапириб берди, жумладан, ҳалқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши

кураш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхтади.

Утрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди. Унда ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбиришимиз.

Суратда: утрашуудан лавҳа.

С. РЯБОВ олган сурат.



лиқда ривожланишга бўлган интилиш етакчи ўринни эгаллайди. Унинг ҳар бир йиғилишида ҳалқаро ва минтақавий вазият атрофлича таҳлил қилинмоқда. ШХТга Мўгулистан, Ҳиндистон, Покистон ва Эрон давлатларининг кузатувчи сифатида қабул қилинганилиги бу ташкилотнинг ҳалқаро миқёсда обрӯзътибори кундан-кунга ошиб бораётганинг тасдигидир. Яна бир қатор мамлакатлар у билан алоқа ўрнатиш истагини билдиримоқда.

Кенгашнинг 2006 йил 29 март куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида «2007-2009 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорлик бўйича ШХТга аъзо давлатларнинг ҳамкорлик дастури» лойиҳаси ишлаб қилилди.

Минтақавий аксилтерор тузилмаси (МАТТ) кенгаши аъзолари шу йил март ойидаги Ўзбекистон худудида бўлиб ўтган «Шарқ-антитерор – 2006»

қўшма аксилтерор машқлари якунларини муҳокама қилишди. Шу йилнинг иккинчи ярмида ШХТга аъзо давлатлар ваколатли идораларининг қўшма аксилтерор машқларини ХХР худудида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, хитойлик ҳамкасларнинг терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишга қарши ҳаракатларини амалга ошириш бўйича ШХТ доирасида симпозиум ўтказиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-куватланди.

Кенгаш ШХТ Минтақавий аксилтерор тузилмаси ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг аксилтерор Кўмитаси ўртасидаги меморандум лойиҳасини тайёрлаши вазифасини МАТТ ижроия кўмита-сига топширди. Минтақавий аксилтерор тузилмаси кенгашининг навбатдаги мажлисини 2006 йил сентябрь ойидаги Тошкентда ўтказиш тўғрисидаги келишувга эришилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ШХТ амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари билан унга аъзо давлатлар ҳалқарининг хавфсизлиги, тинч-осойишта турмуш кечириши йўлида хизмат қўлмоқда.

Абдумутал ЗАКУРЛАЕВ,
ИИВ ЖҚ ва ТҚҚББ терроризмга қарши кураш масалалари бўйича бош мутахассиси,
ШХТ минтақавий эксперталар гуруҳи аъзоси,
полковник.

ТИНЧЛИК
ВА ТАРАККИЁТ ЙЎЛИДА

Ташкилот минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш вазифаларини ҳал этиш юзасидан бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясининг имзолантани, кейинчалик Тошкентда Минтақавий аксилтерор тузилмасининг таъсис этилгани тасодифи ҳол эмас. Мазкур ҳалқаро ташкилот терроризмга қарши астойдил курашга киришиди. Унинг доирасида учта қўшма аксилтерор ҳарбий машқлари ўтказилгани(охиргиси 2006 йил февраль ойидаги), шунингдек, ахборот алмасиш ва ҳукуқий кўмак кўрсатиши юзасидан самарали ҳамкорлик амалга оширилаётгани бунга мисол бўла олади. Булар нафақат ташкилот аъзоларининг биргаликдаги аксилтерор имкониятларини кўпайтиришга, балки минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Минтақавий хавфсизликни таъминлашда ШХТга аъзо давлатларнинг ҳукуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва маҳсус хизматлари амалий ҳамкорлигини йўлга кўйишида айниқса, минтақавий аксилтерор тузилманинг аҳамияти борган сари ўсиб бормоқда.

да минерал ўғитлар нечоғли аҳамиятли эканлигини улар яхши билишади. Аммо дехқоннинг ризқини қийиб, берилши лозим бўлган ўғитларни пуллаб, мўмай даромад ортириши кўзлаганлар ҳамон учраб турибди. Шу йил 5 июнь куни Сирдарё вилояти Оқолтин туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида ана шундай нафси ўқонга айланган шахс фош этилди. 1974 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Э. бошқарувидаги юқ машинаси тўхтатиб текширилди. Шунда юқхонада хуҗатсан олиб кетилаётган 50 та қопга жойланган 2.500 кг. аммиакли селитра борлиги аниқланди.

ДУГОНАСИГА ТИФ
САНЧДИ

Наталья билан Катрина энди ўттиз ёшни қоралашган. Навбатдаги ўтириш Натальянинда бўлди. Иккоблон бир шиша арокни бўшатишганда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Аёллар маст бўлиб қолишиди. Катринанинг ёдига яқинда рўй берган воқеа тушди. Дугонаси жазмани Виталий билан урашганини юзига солди. Иккиси ўртада низо чиқди.

Тун яримлагандо Оҳангарон шаҳар ИИБ навбатчилик қисмидаги телефон жиринглади. Мезбон Наталья меҳмоннинг айловларига дош беролмай унинг кўргагига тиг санчанди. Жабрланувчи зудлик билан касалхонага ётқизилди.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

ТЕЗКОР ГУРУХ ЙЎЛГА ТУШДИ...

МЕҲМОН ПУЛИНИ
ҚАЙТАРИБ ОЛДИ

Самарқандлик Зарифа Пардаева Бағдод тумани ИИБга бир алфозда кириб келиди. Ўпкаси тўлиб, йигланмоқдан бери бўлиб айтишича, Бағдод дехқон бозорида айланни юрганида но маълум шахслар энгидаги жемпери чўнтағидан 80 минг сўм пулини ўғирлаб кетишибди. Туман ИИБ бошлиғи, майор А. Зокиров бундан хабар топиши билан тезкор гурухни ҳузурига ҷорадади.

– Бу воқеа ҳаммамиз учун иснод, – деди у бироз асабийлашиб. – Меҳмон – отанглек улуғ, деган мақол бор. Агар жиноятчиларни аниқлаб, қўлга олиб, жабрланувчининг кўнглини кўттармасак, у кўзда ёшу дилла алам билан уйига қайтиб кетади. Иккинчи марта бирор Фарғонага борамиз деса, ўйлаб қадамини босади.

Тезкор-қидиур гуруҳга унинг ўзи раҳбарлик қилди. Ички ишлар ходимлари зудлик билан бозорга бориб, воқеа жойини син-

чиクラブ кўздан кечириб, обдон ўрганишиди. Ҳар куни ўша ерда савдо қиласидаги савдогарлар билан сұхбатлашиши.

Ва ниҳоят, калаванинг уни топилгандек бўлди. Ташминлар Учкўпrik туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган К. Соҳиб ва Риштон туманида истиқомат қилувчи Й. Қодирларга бориб тақалди. Маълум бўлишича, уларнинг иккиси ҳам муқаддам ўғирлик жинояти содир этиб судланган экан. Аммо бундан тўғри хулоса чиқармай яна текинтомоқликини ихтиёр қилиб олишган эди.

Хуллас, қидиур ишлари бесамар кетмади. Гумондорлар далилий ашё билан кўлга олинди. Пулини қайтариб олган Зарифа Пардаева ички ишлар ходимларининг маҳоратига қойил қолиб, уларга миннатдорчилек билдириди.

**Бўрибой ОМОНЗОДА,
Рахмонали ҚОСИМОВ.**

НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ
ХАБАРЛАРИ

ТУНГИ «МЕҲМОН»

Умаржон Қарши шаҳридаги кўзи ожизлар жамияти корхонасида оддий ишчи бўлиб ишлайди. Топгани рўзгорга аранг етади. Аммо тунда бир кимса юзига никоб кийган ҳолда унинг уйига бостириб кирди ва бўзига пичоқ тираб, дағдага қила бошлади. Жабрланувчи дод солиб: «Ҳеч вақоим йўқ, бор-будим шу! Ана, қўлингга илинганини ол-у жонимга тегма!» деб ёлворди. Қўлга илинадиган бирор нарса топа олмаган босқинчи аламдан кўлини сийлади. Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракати билан гумондор ушланди. Умаржон тунги «мехмон» ўзи ҳар куни салом-алик қилиб юрадиган корхона қоровули Эргаш эканлигини билгач, анграйиб қолди.

СИМ ҚОҚИШ НАСИБ
ЭТМАДИ

Бугун кимни кўрманг кўлида уяли телефон, йўлдами, транспортдами, ошхонадами, дуч келган жода гаплашиб кетаверади. Деновлик Шуҳрат Ангрендаги танишиникига мөҳмон бўлиб борган эди. «Қани энди

уяли телефоним бўлсайди, уйга кўнғироқ қиласиди» деб ўйлади у. Шуҳрат кеч соат саккизларда шаҳарни айланниб аёлнинг бўйига осилган уяли телефонига кўзи тушди. У яқинлашганида бир силтаб тортидю, жуфтакни ростлади. Лекин унга ўғирланган «Самсунг X-100» да сим қоқиши насиб этмади. Чунки шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари Шуҳрат билан алоқа воситасисиз ҳам «гаплашишапти»

ҚУРОЛ ЙИНИЧОҚ ЭМАС

Наманган вилояти Янгикўргон туманида ўтказилган тезкор тадбирда Ж. Комиловнинг уйи текширилганда, ноқонуний сакланадиган «ТОЗ» русумли қиркма ов милтиғи топилди. Бу қурол Ж. Комиловнинг кўлига кандай тушиб қолди? Ҳозирда ички ишлар ходимлари мана шу саволга жавоб топишяпти.

ДЕЖҚОННИНГ

РИЗКИННИ ҚИЙИБ...

Деҳқон ҳозирда экинларни парваришилаш билан банд. Бундай палла-

«Фалла-2006»

Қашқадарё вилоятіда етиштірілген галла ҳосиліни ўриб-иіғіб олиш ишлары қызғын паллага кирди. Бұнда побудгарчиликтарга йўл қўймаслик, жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигин таъминлашда ички ишлар ходимлари зими масига ҳам катта масъулият юкланган.

Белгиланган вазифаны адо этиш учун маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла оқсоқоллари ҳамда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамкорлигидә бир қатор тадбирий режалар ишлаб чиқылди. Ушбу режаларга асосан далаларда олиб борилаёттан ишларнинг бориши, мавсум давомида юзага келиши мүмкін бўлган ҳар қандай камчилик ва муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида «Ҳосил-2006» штаби ташкил этилди. Штаб аъзолари кунлик қилинган ишлар юзасидан маълумотлар тўплаб, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этишига эришишмоқда.

Бу йил шартнома режасига асосан 354,2 минг тонналик ҳирмон яратишга бел боғлаган вилойт дәхқонлари мавсумнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Аввалин йиллардагидан фарқли ўлароқ, майдонлардаги галлани бир бошидан тўлиқ ўриш, комбайнлар бир зум ҳам тўхтаб қолмаслигига эришиш тартиблари ишлаб чиқылди. Вилойтдаги мавжуд юқори унумли «Кейс», «Клаас», «Дон-

ҲОСИЛНИНГ ЧЎҒИ БАЛАНД

1500», «Нива» комбайнларининг иши иккита босқичда йўлга қўйилди. Ишчи гурухлар таркибида ишчи-хизматчилардан ташқари, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари, маҳалла посбонлари киритилган айни мудда бўлаётir.

Албатта, ҳосилни ўриштириб олиш фаяқат галлани ўриш билан тутамайди. Уни ўз вақтида, нест-нобуд қўймасдан ҳирмонлар, омборларга ташиб олиш ҳам мухимдир. Ушбу жараёнда қўнгилсизликлар рўй бермаслиги утун транспорт воситалари техник соз ҳолатда бўлиши, ҳайдовчилар ёнғин ва йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишлари лозим. Шу боис, галлазор ва дон қабул қилиш пунктларида ёнғин, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларидан иборат тарғибот-ташвиқот гурухлари тушунтириш ҳамда назоратли текширувлар олиб боришишмоқда.

Вилойтда энг кўп дон етиштириладиган Миришкор туманида бўлганимизда ўрим-йиғим ишларининг бориши, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, майда ташмачиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш борасидаги ишлар билан қизиқдик. Туман ИИБ бошлиги, подполковник К. Пирров бўлиқ бошқалрга ишора қилганча:

— Йиғишириб олинаёттан ҳосилни пеш-

ма-пеш омборларга етказиша 200 тага яқин транспорт воситалари узлуксиз хизмат кўрсатмоқда — деди. — Далалардан ўриб-иіғиб олинаёттан ҳар мисқол донни нест-нобуд қўймасдан омборларга етказилишини таъминлаш учун айланма, марказий йўлларда мавсумий назорат кузатув масканлари ташкил этилган. Уларга биркитилган йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳар бир транспорт воситасининг техник ҳолати, даладан олиб чиқилган ҳосил ким томонидан кузатиб борилаётгани, дон исрофгарчилигининг олдини олиш учун кўрилган чоратадбирларни мунтазам назорат қилиб боришишмоқда. Донни ўғирлаш, ноқонуний ўзлаштириш, майда ташмачилик ҳолатлари йилдан-йилга камайиб бораяпти. Бу аввало, аҳоли ўргасида олиб борилган кенг тушунтириш ишларининг самарасидир. Барча йўл ёқалари, аҳоли гавжум жойлар ҳамда галла омборларида галлани ёнғиндан сақлаш бурчаклари, дон исрофгарчилиги ва майда ташмачиликка йўл қўймасликка чорловчи паннолар осиб қўйилган. Бундан ташқари, ходимлар ҳирмон жойлари, галла омборларини мунтазам назоратдан ўтказиб, ишчи-хизматчиларга техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича мунтазам кўрсатмалар беришишмоқда.

Бир сўз билан айттанды, қызғин меҳнат палласи бошланган шу кечакундуза, галлакорлар сингари ички ишлар ходимлари ҳам воҳа дәхқонларига ҳар қадамда камарбаста бўлишга интилишмоқда. Далаларда ҳосил чўғи баланд. Ҳирмон юксалиши дастурхонларимиз тўкинлигини таъминлайди.

**Баҳодир ЭРГАШЕВ,
лейтенант.**

МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ



моҳияти, автомототранспорт воситалари билан боғлик ишончномалар, битишувларни расмийлаштиришнинг белгиланган тартибини таъминлаш хусусида тушунча бериб ўтди. Шундан сўнг республика Адлия

вазирлигининг масъул ходими Д. Ёкубова автомототранспорт воситалари билан боғлик ишончномалар, уларни бошқа шахсга тақдим этиш (одди-сотди, айирбошлиш, ҳадя) ва ижарага бериш шартномаларини рас-

мийлаштириш тартиби хусусида тўхталиб ўтди.

Йиғишиш сўнгиде иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ақбар АЛЛАМУРОДОВ.

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ КУШАНДАЛАРИ

ХИЗМАТЛАР ҲАМКОРЛИГИ КУЧАЙМОҚДА

Бугунги кунда ҳаётимизни алоқа воситаларисиз тасаввур этиш кийин. Жамият таракқиёти, мамлакат ривожида ушбу соҳанинг аҳамияти катта. Юртимизда тизимнинг жадаллашувига асос солингани фуқароларнинг алоқага бўлган эҳтиёжини қондирмоқда.

бу каби қўнгилсизликларнинг олдини олиш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқа хизматлар ходимларидан иборат махсус гурух тузилиб, аниқ режалар асосида текширувлар олиб боришишмоқда. Бу борада айниқса, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар ҳамда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси вилойт бўлими билан ҳамкорлик ижобий самара беряпти. Республика ИИВ ва вилойт ИИБнинг тегишили кўрсатмаларига асосан маҳалла посбонлари, мутасадди идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида жойларда махсус рейдлар ташкил этилмоқда. Кези келгандан ушбу рейдлар натижасида аниқланган бир неча мисолларга мурожаат этсан.

Бироқ шундай салбий ҳолатлар учраб турибди-ки, бу ривожлашига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шулардан бири телефон алоқа симларининг ўғирланишидир. Андижон вилойти ички ишлар идоралари томонидан

Улуғнор туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласи худуди «Андижон-Улуғнор» ўналиши оралиғидаги 3 та симёғочдан телефон симлари кесиб кетилгани аниқланган эди. Текширувлар натижасида ушбу жиноятни содир этган фуқаро маълум бўлди. У Бўз туманида яшовчи О. Бойкўзи экан. Конунбузарнинг 300 мётрли «4-ММ» биометалл симларни ўғирлаб кетиши алоқа воситаларининг бир қанча вақт ишламай қолишига олиб келган. Суриширувлар натижасида яна шу нарса аён бўлди, О. Бойкўзи ўтган йили Холдовонбек қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги 350 метр, жорий йилнинг февраль ойида эса 2150 метр телефон симларини ўғирлаб, фуқаро Л. Жалоловга сотиб юборган экан.

Шу йил март ойида Ҳўжаобод тумани «Лайлак уя» ва «Гулистон» маҳаллалари фуқаролари телев-

фон хизматидан бебаҳра қолдилар. Улар тегишили идорага мурожаат этилди. Махсус гурух аъзолари 7 та симёғоч оралиғидаги 880 метр алоқа симлари кесиб кетилганинг гувоҳи бўлиши. Кўп ўтмай туманда яшовчи Н. Собир ҳамда Ш. Ҳонбўталар гумонланибушланди.

Жалолкудук туманида истиқомат қилувчи Ш. Тоҳир, О. Умрзоқ, Ш. Исмоил ва И. Қозоқбойлар ҳам алоқа симларини ўғирлаб сотишни тириклилек манбаига айлантиришган экан. Бироқ кўза кунда эмас, кунда синади, дейдилар. Махсус гурух аъзолари уларнинг фаолиятига чек кўйиши. Текинтомоқлар туманинг Т. Тошматов номли ширкат ҳўжалиги худудидан қўймати 621 минг 810 сўмлик алоқа симларини ўғирлаганликлари учун конун олдида жавоб берадилар.

Бу каби ҳодисаларнинг олдини олиш, фуқароларнинг алоқа хизматидан бебаҳра қолмасликларини таъминлаш мақсадида ички ишлар ходимлари томонидан кўшишча тадбирлар ишлаб чиқылмоқда. Айниқса, тунги вақтларда содир этилиши мүмкін бўлган ўғирларининг олдини олиш учун шаҳар, туман ИИБлари ҳамда ППХ батальони навбатчи гурухлари хизмат йўналишлари телекоммуникация иншоотлари ва алоқалари ўтказилган жойларга яқинлаштирилган ҳам бу масалага жиддий ёндашилаётганининг исботидир.

Биз юксак таракқий этган жамият сарни интилмоқдамиз. Бунинг учун эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ижорасини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Қўчкорбай ҲАКИМОВ,
подполковник.**

ДАСТУРХОН КЎРКИ НОН БИЛАН

Ҳалол пешона тери, қалб кўри эвазига бўй чўзган галлазорларимизда ҳосил етилди. Эндиғи вазифа донни ўз вақтида, побудгарчиликларизи йиғиб-териб олишдан иборат. Наманганд вилояти ИИБ ёхб ҳодимлари ҳам ушбу мавсумга пухта тайёргарлик қўриши. Белгиланган режа асосида туманлар ИИБлари тегишили хизматлари билан ҳамкорликда машина-трактор саройлари, барча техника воситаларининг техник ва ёнғин хавфсизлиги ҳолатлари текшириб чиқылди.

Галла ўримига жалб қилингандар ва аҳоли орасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш тадбирнинг асосий йўналишларидан бири хисобланади. Ўтказилган мониторинг давомида комбайнларнинг операторлари, ҳайдовчилар, ун комбинати, қабул пункктлари ходимлари, ҳирмонлардаги ишчи-хизматчиларга йўриқномалар берилди.

Авваллари чорвачиликда мухим озуқа хисобланган сомонни йиғиб олишга эътиборсизлик қилингани, ҳатто айрим жойларда ўт кўйилгани сир эмас. 1 гектар майдондаги сомон ёки унинг қолдини ёқиб юбори оқибатида ҳавза 500 грамм азот оқиси, 379 грамм углеводород, 3 килограмм кул, 20 килограмм ис каби зарарли газлар кўтарилади. Олов туфайли турк таркиби бузилиб, эррозия ҳолати кучайди, ҳосилдорлик камаяди. Бунинг олдини олиш мақсадида ИИБ шахсий таркиби, вилойт МТП бирлашмаси, табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси мутахассислари иштирокида ўрим-йиғим мавсумида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва галладан бўшаган майдонларга ўт кўймаслик юзасидан давра сухбати ташкил килиниб, вилойт телевидениеси орқали намойиш этилди. Бундан ташқари, барча фермер хўжаликлари раҳбарлари, ишчи-хизматчилари билан сухбатлар ўтказилди.

Ноннинг ушоги ҳам нон, у ерга тушса пуллаб, кўзга суртиб, четга олиб кўямыз. Чунки дастурхонимиз кўрки ана шу бебаҳо неъмат билан. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бу йил вилойт бўйича 360 минг тоннадан ортиқ дон олиниши кутилмоқда. Карияларимиз дуога қўл очиб, яратгандан осмонимиз мусаффолиги, ҳирмонимиз баракотини сўрашаттаган экан, кўзланган мақсадга албатта, етамиз.

**Бойназар ДЕДАБОЕВ,
подполковник.**

ОБОД МАҲАЛЛА

Юртимизда маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш жараёни давом этмоқда. Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани Ачаобод маҳалласи етакчилигига беш кишининг номзоди кўрсатилди. Улар маҳалла фаоллари Муҳаррам Расулов, Жамол Тиллабоев, Абдураҳим Охунжонов, Муҳаммадсадр Ёрмуҳаммедов ва аввал ҳам қайта сайланган маҳалла оқсоқоли Хайрулла Ҳикматовлар эди. Сайлов демократик руҳда ўтиб, аҳоли Хайрулла Ҳикматовни ушбу лавозимга қайта сайлашди. Бу бежиз эмас, албатта. Маҳаллани обод қилишдаги жонқуярлиги, ўз ишига вижданан ёндашиб, фуқаролар билан астойдил ишилаши, одамлардан ёрдами, маслаҳатини аямаслиги, ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун профилактика инспекторлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилаётгани муносиб баҳоланди.

— Айнан маҳалла оқсоқолининг куюнчаклиги, фаоллар, яраштириш комиссияси аъзолари, маҳалла посбонлари билан биргаликда профилактик

тадбирларни тўғри ташкил этаётганимиз туфайли жиноятчилик йилдан-йилга камайиб боряпти, — деди ушбу маскандаги 193-милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Бахтиёр Мейлиев. — Жорий йилнинг 5 ойи мобайнида иккита жиноят қайд этилиб, улар ҳам ётилтирилди.

Хўш, бундай натижаларга эришиш учун қандай омиллардан фойдаланилаётгани? Аввало, ўсмирлар ва ёшлар тарбиясига алоҳида ётибор берилмоқда. Ҳозирда улар «Саффон» спорт мажмуига жалб этилган. Мажмуада каратэ, кураш, кикбоксинг каби спорт турлари билан шугуланиш имконияти бор. Бу ерда 200 нафар ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, жисмонан чинкишияти. Бундан ташқари, маҳаллада «Ёшлар салоҳият маркази» фаолият юритмоқда. Марказда компьютерда ишилаши, чет тиллари, тикувчилик, пазандалик ва ҳайдовчиликка ўқитишдан ташқари, радиотехника, соатсозлик, сартарошлик хунарлари ҳам ўргатилади.

Ачаобод маҳалласида тинчлик, осойишталикни таяминлашда профилактика катта инспектори маҳалла оқсоқоли Хайрулла Ҳикматов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи, «Шуҳрат» медали соҳибаси Муҳаррам Расурова, маҳалла посбонлари сардори Абдулла Маҳкамов ва фаоллар яқиндан

ладаги спорт майдончаси доимо ўсмирлар билан гавжум.

Гўшадаги кам таяминланган оиласалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга моддий ва маънавий кўмак бериш, жазони ижро этиш муассасаларидаги фуқаролар оиласидан хабар олиб туриш ҳам диққат марказида. Бундан ташқари, фаоллар билан ёшларни гиёҳвандлик балосидан сақлаш, турли диний — экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида «Огоҳлик — давр талаби», «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Террор ислом динига тухмат қилмоқда» каби мавзуларда утрашувлар, давра сұхbatlari ўтказиб борилаётгани.

Ачаобод маҳалласида тинчлик, осойишталикни таяминлашда профилактика катта инспектори маҳалла оқсоқоли Хайрулла Ҳикматов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи, «Шуҳрат» медали соҳибаси Муҳаррам Расурова, маҳалла посбонлари сардори Абдулла Маҳкамов ва фаоллар яқиндан

ёрдам беришади.

— Биз, биринчи навбатда ишсизларни иш билан таяминлашга ётибор қаратяпмиз, — деди М. Расурова. — 40 нафар аёлларни «Саффон текстил» ўзбек-турк қўшма корхонасига ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, яқинда яна бир тикувчилик цехи ишга тушди. Бу ерда 15 нафар чевар меҳнат қилмоқда. Шуни ҳам айтиш лозимки, кам таяминланган оиласалар фарзандларини спорт

тўгаракларига қатнашишига эришиш ҳам асосий вазифаларимиздан бирига айланган.

Оила — жамиятнинг асосий бўғини, деб бежиз айтилмаган. Соғлом мұхиттадан шароит, замонавий таъмирланган хоналар ва олиб борилаётгандар ибратли ишлар бизда катта тассурот қолдирди.

Умид БОЗОРОВА.



Суратда: С. Раҳимов тумани «Ачаобод» маҳалласидаги 193-МТП профилактика катта инспектори Бахтиёр Мейлиев ва диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Муҳаррам Расурова тиббийт ходимлари билан

«ТЎР» ТАДБИРИ

Қарорлари ижросини таяминлаш мақсадида, Республика Ички ишлар вазирилиги ва Табиатни муҳофаза қилиш-Давлат қўмитаси «Давбионазорат» томонидан жорий йилнинг 10 мартадан 10 июнигача мамлакатимизда «ТЎР» тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида жойларда балиқ овлаш билан ноқонуний шугуланаётгандар шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиши учун назорат-лицензия тизими, ҳудудий профилактика инспекторлари, жиноят

қидирив ва йўл-патруль хизмати ходимлари, «Давбионазорат» инспекторлари, овчилар ҳамда балиқчилар жамиятлари аъзоларидан иборат тезкор турхулар тузилиб, рейдлар ўтказилди.

— Шуни таъкидлаш лозимки, — деди республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ назорат-лицензия тизими инспектори, катта лейтенант Б. Абдусаламов, — ноқонуний ва ўрнатилган қоидаларни бузган ҳолда овқилиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида қўриқхоналар, ўрмон ва овхўжаликлари ҳудудлари, сув ҳавзаларидан ўтадиган айланма ҳамда асосий йўналишларда ҳаракатланаётгандар барча транспорт воситалари текшириб борилди. Давлат санитария назорати, солиқ идоралари билан биргаликда бозорлар, алоҳида савдо расталарида балиқ ва табиат маҳсулотлари сотишга ажратилган жойлар ўрнатилган савдо-санитария қоидалари талабларига қайдаражада жавоб берни ўрганиб чиқилди.

Масалан, тадбир давомида Сирдарё вилояти Сирдарё туманида 8 марта рейд ўтказилди. Амалдаги қоидаларни бузган ҳолда балиқ овлаётгандар мъумурӣ жавобгарликка тортилди. Қонунбузарлардан моторли резина қайиқ, 700 метрлик тўр, балиқ овлашга мўлжалланган 20 та мослама, электр кучланишили қўлбола қармоқ олинди. Гулистан туманида ташкил этилган рейдда ҳам иккита ҳолат аниқланди. Бекободлик М. Курбоналиевга нисбатан хавфли мослама — электр кучланишили қўлбола қармоқ ишлатгани учун жиноят иши қўзғатилди.

Жиззах вилоятида ҳам ноқонуний балиқ ови билан шугуланаётгандар кўплаб фуқаролар қайд этилди. «Дарвоза» ЙПХ масканида «ВАЗ 2121» русумли автомашина тўхтатилганда, унинг салонидан 190 кг. балиқ топилди. «Арнасой» блок-постида эса йўл-патруль хизмати ходимлари ва мутасадди ташкилотлар вакиллари келгусида ҳам бундай қонунбузарларга қарши кескин кураш олиб бораверишади.

жада шулардан 6 тасида ижобий ўзгариш юзага келди.

Битта оила эса яраштириб қўйилди. Буғунги кунда уч мингта яқин аҳоли истиқомат қилаётган Ачаободдан қайтар эканмиз маскандаги аҳиллик, маҳалла идораси, милиция таянч пунктida яратилган шароит, замонавий таъмирланган хоналар ва олиб борилаётгандар ибратли ишлар бизда катта тассурот қолдирди.

Умид БОЗОРОВА.

Республикамизда балиқ ва балиқ маҳсулотларининг ноқонуний сотилишига қарши кураш, балиқ урчиши мавсумида ташкилотлар ва фуқаролар томонидан ўрнатилган чекланишларга риоя этилишини таяминлаш борасида амалга оширилаётганди ишлар ва ўтказилаётгандар тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 авгуустдаги «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги



БАЛИКНИ ДЕБ ИНСОФНИ УНУТГАНЛАР

олти тонна балиқ олиб кетилаётгани аниқланди. Яна бир ҳолатда ноқонуний равишда балиқ маҳсулотини Жиззах шаҳрига олиб кирмоҳчи бўлган 4 нафар шахс кўлга олинди. 224 кг балиқ мусодара қилинди.

Тадбир натижаси шуни кўрсатди, нафс илинжида қонунларни четлаб ўтиб, назоратчилик кўзини шамгалат қилиб, даромад топмоҳчи бўлганлар ҳамон учраб туриди. Балиқлар урчиши пайтида уларни овлаб табиатта ҳам, жамиятта ҳам зарар келтириётгандар бундай шахслар албатта қўлмишларига яраша жазоланадилар. Уларнинг, айниқса, инсон ҳаётини хавфли бўлган электр кучланишили қўлбола қармоқлардан ўламай фойдаланишаётгани кишини жиддий ташвишга солади. Ички ишлар ходимлари ва мутасадди ташкилотлар вакиллари келгусида ҳам бундай қонунбузарларга қарши кескин кураш олиб бораверишади.

Умид БОЛЛИЕВА.

**Ҳар кимки ҷүчук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёр дурур ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмиғи кўнгилларни гирифтор айлар.**

Алишер НАВОЙИ.

Халқимизда «ун қўшчига бир бошчи» деган ибора бор. Ўсмилик йилларим, тўғриси, мен бу иборанинг мазмунини: ҳар ун нафар кишига бир бошлиқ бўлиши керак экан-да, деган маънода тушиунганман. Кейин-кейин билсам, мантиқ бошқа ёқда: яъни, ўз-улус бу билан ўз сардори, ўз етакчисига ишонч билдириб, унга бўлган бутун ихлосини ҳаётда ҳам, меҳнатда ҳам муттасил намоён эта олиши кераклигига ишора экан...

Келинг, гапни бутундан бошлайлик: адолат юзасидан айтганда фидойи, маданиятли раҳбарларимиз оз эмас. Вазирлик, ҳокимлик тизимидағи катта-кичик раҳбарлар орасида эл ҳурматига сазовор бўлиб келаётганлари бор. Аммо қўрслари, димордорлари борлиги ҳам рост.

Тан олайлик, ўз салоҳияти ва тажрибасига ишониб бир ташаббусни бошлаган ёки бирор масалада ўз фикрини билдиришга ботинаётган фуқаролар айрим ҳолларда жойларда ўзи хон, кўланкаси. майдон, тўрачилик кайфиятига хумор раҳбарлар даккисига, қаршилигига ё у тарзда, ё бу тарзда бўлса-да, ҳарқалай дуч келишмоқда. Бошқачароқ айтганда, бу тоифа раҳбарлар ўз қўл остидаги одамларнинг эркин фикрларига «кулф» уриб, қалитини чўнтағига согланча: «менинг айтганимдек бўлади, вассалом» дегандай «қўшчилар»га бошчилик қилмоқчи бўладилар. Савия шундай: раҳбарлик – уларга гўё имтиёз!

...90-йилларнинг ораларида Хоразмда шундай раҳбарлардан бирини билардим. Илгари у ўз соҳасини билгувчи, маданиятли, маърифатли кадрлек кўринарди. Туман доирасидаги ташкилотлардан бирига раҳбар бўлди-ю, тундлашди. Қўрслиги, қўпполлиги, қизишмалиги, муомалани атая баҳсга, мунозара га айлантириб олиб, эркин фикрларни «силтаб» ташлайдиган

ва сўнгиги инсон шаънига тегиб кетадиган, нафсониятни кўзғайдиган сўзларга эрк берувчи киши эканлиги билинди, қўйди. Бошиданоқ ён атрофидагиларнинг маслаҳатига беписандлик қилди, ўша кезлардаги вилоят миқёсидағи раҳбарларни «орқа» қилиб, «мушугини пишт» деганлар-ку у ёқда турсин, «хўжайин, бир ўйлаб кўрсак бўлармиди?» –

писандлик билан муомалада бўлиш иллатлари қандай, қаердан пайдо бўлади ўзи? Ҳўқизини йўқотган Қобил боға «ҳақиқатпарвар» аминнинг қилган кўрс муомаласини эсланг... У ҳатто ёши ўзидан анча улуғ чолни «сиз» дейишига тили бормаганидан, писандлизик билан берган саволлари ва сўзлари (атай ўзлик-мажхул феълида туслаб айтиши)га эътибор қилинг: «Нега йигланади?» (Нега йиглайсиз?), «Йигланмасун» (йигламанг!) «Суюнчидан чашна олиб келинмадими?» (келмадингизми?) ва ҳоказо.

Бугун ҳам оддий фуқароларга ана шундай калонди-

кона одобларимиз саҳифалариға назар солсангиз, халқимиз маънавиятига хос энг муносиб фазилатлардан бири – ҳатто кичик ёшдагиларга ҳам «сиз» деб мурожаат этилган. «Салом», «алик» канда қилинмаган. Шаънига номуносиб сўзлар айтилмаган. Булар ҳам муомалада тил маданияти, маънавият қирралари, одамийлик хислатларига кирган. Одамийлик одобдан бошлана-ди. Сўнгра иймон-эътиқодга айланади ва у камтарлик, хушмуомалалик сингари туйгулар билан зийнатлашиб боради. Бир донишманддан сўрабдилар:

– Одам учун энг ярашикли лиbos нима?

– Одам учун энг ярашикли лиbos – одоб лиbosи. Унинг чиройига чирой қўшадиган

ликнинг муомаладаги масъулияти ҳақида ҳам сўз бораяпти. Аниқроғи, халқимизнинг миллий ўзлигини англаш, миллий қадриятларимиз, миллий одоб ва одатларимиз ҳамда миллий истиқдол мафкурасини одамлар дунёқарашига сингдириш кераклиги тўғрисидаги фалсафа кенг доирадан, катта минбардан айтилмоқда. Бир оғиз ширин сўз ёки «яшанг!» деган олқиши, «раҳмат» деган миннатдорчилик, «омадингизни берсин» деган тилак, «барака то-пинг» деган рағбат ҳам ҳаётда моҳиятан катта ижтимоийлик касб эта олишини англа-моқда.

Алхусус, муомалада тил маданияти ҳам, нафақат маънавий, маърифий аҳамиятга, балки мафкуравий мөхиятга ҳам эга теран тушунча. Шунинг учун мамлакатимизда мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан бошлаб, аҳолига ҳеч бир жамият мафкурасиз яшай олмаслиги кенг тушунтириб келинмоқда. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида руҳий-маънавий озиқ, куч-куват манбай эканлиги – хусусан, Ислом Каримов асарларида биридан бирига изчил ўтиб келаяпти, сиёсий партияларнинг фаолият дастурларидан ўрин олайпти. Чунки, жаҳон тамаддунига ҳам, халқимиз тарихига ҳам разм солсангиз, маънавий-маърифий юксакликка эришмай туриб, ҳеч бир замонда ҳеч бир жамият ўз мақсад-муддаосяига эришолмаган. Аксинча, маънавий қашшоқлик – лоқайдликка, манманликка, муомалада қўрсликка, қўполнликка – одобсизликка олиб борган. Одобсизлик эса охирокибат маънавиятни емирган...

... Инсон кўнгли бутун бир оламни сидиролса-да, у гулдан-да нозик, гулдан-да нағис... Шу нозиклик, шу нағисликни аясак, арасак – одамни аяган, оламни асраран бўламиш...

Номоз САДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.
«Ўзбекистон овози»дан қисқартириб олинди.

РАҲБАРНИНГ МУОМАЛА МАДАНИЯТИ

ва маънавий-маърифий
бурч масъулияти ҳақида

деганларнинг ҳам «сен ҳали менинг гапимни ўйлаб кўрадиган бўлдингми?» қабилида «адаби»ни бериб қўшишга одатланди.

Оқибат нима бўлди? 1999 йилнинг март ойи охирларида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб, бу ергаги анчайин қўйи ва ўрта бўғин раҳбарлари қатори у ҳам курсини бўшатди. Ўшанда сессияда маъруза қилган мамлакатимиз Президентининг сўзлари ҳамон эсимда:

«...Бизнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда раҳбарнинг масъулияти, нафақат масъулияти, балки, раҳбарнинг инсоний фазилатлари алоҳида аҳамиятга эга...» Ёки «...хурматли ҳокимлар, раҳбарлар, шуни унутмангики, сизларни рентген каби текширадиган, ишларнингизга ҳаққоний ва одил баҳо берадиган мезон – шу юртда яшайдиган одамларнинг кўзи, фикри, улар чиқарадиган хуносадир...»

Бироқ афсуски, ҳамма раҳбар ходимлар ҳам бу гаплардан тегишили хулоса чиқариб олмаганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Раҳбарлик имтиёзидан фойдаланиб, одамларга қўрслик, қўполнлик, манманлик ва бе-

моғлик билан муомала қилаётган раҳбарлар ўзларини давлат хизматчиси, халқ хизматчиси ҳисоблайдими ёки «унбоши», «элликбоши», «юзбоши», «мингбоши» деб биладими?

Мана, олинг, масалан, бирор илтимос ёки талабнома билан мурожаат этган ногиронга йўлланаётган жавоб хати... Уни «Фалончи ота, она, ака, опа, ука ёки сингил» деб бошлаш ўрнига тўғридан-тўғри: «...Фалончиев» деб бошлаётган катта-кичик идораларнинг раҳбарлари қанчадан-қанча?! Гўё расмий хатлар шундай ёзилармиш... «Ота», «она», «ака» ёки «опа» десак расмийликдан чиқиб қоламизми? Ё шундай десак, «жавоб хатингизнинг тили норасмий» деб бирор бизни койиб берармиди? Иzzати-ку!

Яна: ўша хатда арзимаган илтимос ёки талабнома иnobатта олинган бўлса-ку, майли-я... Қолаверса, хат боши «Ассалому алайкум...» билан бошланиб, сўнгти «хурмат билан...» дейя хотималанса жоизроқ эмасми?

Айни чорда шарқона, ўзбе-

бундан-да гўзал лиbosни топиб бўлмас, – жавоб бериди у.

Демакки, одоб – тарихан маънавий тамойилларимиз, маърифий урф-одатларимиз, муомалавий кўнікмаларимиз асосида аждодларимиз таълим-тарбиясига асос бўлган ижтимоий-ахлоқий қарашларимиз ҳосиласи. Улар замирида жамиятда – халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халқа хизмат қилиши керак, деган пировард бир ҳикмат ҳам жамлангани муқаррар. Президентимиз айтган эдилар: «Умрим давомида ёзмикўпми ҳаётий тажрибаларим асосида шундай хуносага келдимки, дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар кўп. Аммо уларнинг биронтаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзотнинг кимлигини, унинг қиёфаси ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди...»

Бу сўзлар ортидаги мантиқа эътибор беринг: Унда раҳбарликка ўтирган қишиларнинг аввало, тил маданияти, сўнгра маънавий ва маърифий бурчи, миллий ғоя ва миллий мафкураси, амалдор-

ЯНГИ ВЕБ-САЙТ ТАҚДИМОТИ


– Конунчилик фаолиятини таъсири ва ролини кучтириш, шу асосида жамиятни демократлашириш ҳамда ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий базасини тақомиллаштиришга қаратилган кенг кўламдаги сайд-ҳаркатлар олиб борилётган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг интернет веб-сайти яратилиши ўзига хос аҳамиятни касб этади, – деди мазкур институт директори Ф. Отахонов. – Ишга тушган веб сайт: асосий тадбирлар, нашрлар, ҳамкорлик ва манзил бўлимларини ўз ичига олади. Барча қизи-

қувчилар, ҳуқуқшунослар, олимлар ундан бемалол фойдаланишлари мумкин.

Мазкур веб-сайт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда унга мувофиқ тасдиқланган Низом асосида ишлаб чиқилган. Уни ишга тушришдан кўзланган максад мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолияти ҳолати, бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг иштиrokeri тўғрисида кенг оммага маълумот беришдан иборатdir.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, янги сайт хорижий парламентлар ва қонун ҳужжатлари мониторинги институтлари билан амалий ҳамкорлик алоқаларини йўлга кўйиш имконини беради. Бу эса шубҳасиз, кўплаб имкониятлар эшигигини очади.

Ўз мухбиришимиз.



Фарғона вилояти ИИБ ЙХХБ йўл-патруль хизмати ходимлари кўчалар ва автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида талайгина ишларни амалга оширишмоқда.

Вилоят ИИБ ЙХХБ ходимларининг Ойлик давомида олиб бораётган ишлари билан бевосита танишиш, ҳаракат иштирокчиларининг бу муҳим тадбирга бўлган муносабатини ўрганиш мақсадида Кува тумани худудига хизмат кўрсатувчи ЙПХ ходимлари билан рейдга чиқди.

Вилоят ИИБ ЙХХБ алоҳида ЙПХ батальони гуруҳи инспектори, сержант Дилмурад Сайдазимов билан йўлдамиз. ЙПХ инспектори «Москвич-412» русумли автомашинани тўхтатди. Кува туманида яшовчи Яхе Махсудов бошқарувидаги мазкур автомашина техник кўридан ўтмаган экан.

— Хозир республикамизда қандай тадбир кетяпти? — сўраймиз ҳайдовчидан.

— Ҳаракат хавфсизлиги тўғрисида гапириляти-ку, шу бўлса керак-да...

— Нима сабабдан техник кўридан ўтмаган автомашинани бошқаряпсиз?

— Саволингиз ўринли,

Болаларни теран фикрли, ақл-идрокли, комил инсонлар этиб тарбиялаш биз, педагогларнинг асосий вазифамиздир. Тарбиянинг кўламини қўшайтириш мақсадида «Коллеж, маҳалла ва оила» ҳамкорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Жумладан, «Маҳаллам — ўз уйим», «Маҳалланинг ибратли ёшли», «Ёшлилар ташаббуси» мавзууда қизиқарли тадбирлар ўтказилди. Айниқса, ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар талабаларининг дунёкарашини шакллантириш, ҳукуқий билимларини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ҳазораси тумани ИИБ хо-

ТАЪТИЛДА ҲАМ ҲУШЁРМИЗ

димлари билан уюнтирилган «Гиёҳвандлик — аср вабоси», «Ёшлилар терроризмга қарши», «Огоҳлик—дavr талаби» мавзулардаги тадбирларда талабаларимиз ҳам фаол қатнашишмоқда. Уларнинг эркин мавзуда ёзган энг яхши иншодор талабаларимиз томонидан саҳналаштирилиб, ушбу тадбирларда намойиш этилди.

Ўкувчиларнинг ёзги дам олиш мавсуми ҳам бошланди. Биз болаларнинг бўш вакътларини мазмунли ўтказиш мақсадида ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорликда оромгоҳларга чиқиб, терроризм, гиёҳвандлик, ҳушиёрлик мавзуларини турли кўринишда, жумладан, саҳналаштирилган ҳолда намойиш этишини режалаштиридик. Бундай тадбирлар ёзги дам олиш мавсумини мазмунли ўтказиш билан бирга болалар ўргасида жиноятчиликнинг олдини олишида ўзининг ижобий самарасини беришиб табдий. Таътил кунларида ҳам ҳушиёрликка эътиборни кучайтирамиз.

**Дилором ЮСУПОВА,
Ҳазораси педагогика қасб-хунар коллежи директори.**

кўридан энди ўтказаман.

Республикада шундай долзарб тадбир ўтказилаётган бир пайтда айрим ҳайдовчилар унинг аҳамиятини тушуниб етмаслиги, ҳеч бўлмаса, ўз хавфсизлигини ўйламаётгани кишини афсуслантиради.

Бошқа бир «Москвич-412» русумли автомашина ҳайдовчиси Шавкат Астонов одам ташиш қоидаларини бузганини ЙПХ ходими қайд этди.

Автомашина ичидан 6 нафар йўловчи тушиб келди... «Тико» русумли автомашинанинг ҳаракати ЙПХ инспектори, сержант Дилмурад Сайдазимовда шубҳа ўйғотди.

Ҳайдовчи Ҳокимжон Мадалиев гарчи хужжатларини

тақдим этган бўлса-да, инспектордан ўзини олиб қочишига ҳаракат қиласди. Унинг спиртли ичимлик истеъмол қиласди

маълум бўлди.

Вилоят «Қишлоқхўжа-

ликкимё» акциядорлик жамиятининг Кува тумани бўлимига қарашли «ТТЗ-80» русумли трактор ҳайдовчиси Алижон Қодиров зиммасига катта масъулият юкланганига қарамай, ўзига бириктирилган тракторни масти ҳолда бошқарив бораётганда ЙПХ инспектори томонидан тўхтатилди.

Рейдни ЙПХ инспектори, сержант Аҳмаджон Аҳмедов билан давом эттиридик.

Булоқ боши туманида яшовчи



МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

**Республика
Ички ишлар ва
зирлигига қарашли
ҳарбий жамоада ёш
аскарларнинг қасамёдд
қабул қилишига ба
ғишланган тантанали
маросим бўлиб
утди.**

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида тизимдаги соҳавий хизматлар, шаҳар-туман ИИБлари, жазони ижро этиш муассасалари ҳамда саф қисмлари шахсий таркиби, ички ишлар идораларида фаолият юритаётган «Ахлоқ, одоб ва интизом судлари» раислари иштириқида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан бошқарма бошлигининг ўринбосари, полковник Р. Акбаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳайтанинг 2006 йил 26 майдаги «Республика ички ишлар идоралари тизимларида хизмат интизоми ва қонунчиликнинг аҳволи ҳамда уни яхшилаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишлар тўғрисида»ги қарори талабларининг мазмун-моҳияти ҳақида

«ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ БУРЧИ

Жўрабек Курбонов бошқарувидаги «ГАЗ-24» русумли автомашинанинг ойналари белгиланган меъёрдан ортиқ даражада қорайтирилган эди. Ҳайдовчи била туриб бундай қоидабузарликка йўл қўйгани одамни ажаблантиради. ЙПХ катта инспектори, катта лейтенант Файратжон Норматов йўлда елдек «учиб» бораётган, «Москвич-412» русумли автомашинага тўхташ ишорасини қилди. Автомашина ҳайдовчиси қуvalик Исмоил Тўхтасинов ҳам масти ҳолда рулни бошқарётгани аниқланди.

— Бир жойга борган эдим қўйишимади, ичмасликнинг иложи бўлмади, — дея баҳона қидира бошлади ҳайдовчи...

Рейд ўтказилган куни биргина Кува тумани худудида ҳукуқбузарлик содир этган 26 та мотоцикл ҳайдовчилари

рўйхатга олинди. Тегишли баённомалар тузилиб, улар жарима майдончасига олиб бориб қўйилди. 20 кишида ҳайдовчилик гувоҳномаси, 5 та мотоциклда эса давлат белгиси йўқ.

Шу куни қуvalик Илҳом Исақов, Равшан Жўраев, Баҳром Ҳамдамов, Аъзам Рустамов, андижонлик Шуҳрат Жўраев, Қодиржон Умаров, марғилонлик Муҳаммадумар Каримов каби 20 нафардан ортиқ ҳайдовчига нисбатан автомашинани ишонч қофзисиз бошқаранглиги, ойналар ҳаддан зиёд қорайтирилгани, йўловчи ташиш ва бошқа турдаги йўл ҳаракати қоидаларини бузганилар учун маъмурӣ баённомалар тузилди.

**Бўрибай ОМОНЗОДА,
Собиржон ҲАТАМОВ.**

РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ОЙЛИК БОШЛАНГАНДАН БҮЁН:

- Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиши мавзусида 6254та плакат, китоб ва бошқа ўқув кўлланмалари чоп этилди
- мактабгача тарбия муассасаларида 1193та, ёзги дам олиши оромгоҳларида 357та учрашув ва сухбатлар уюштирилди
- 3233 км йўл кўридан ўтказилиб, узунлиги 78 км бўлган пиёдалар йўлкалари таъмирланди
- тадбир давомида 52 минг 316та қоидабузарлик аниқланди.
- аниқланган қоидабузарликлар бўйича меҳнат жамоаларида 644 та, маҳаллаларда 616 та ҳолат муҳокама қилинди.

га бўлган меҳр-муҳаббатини ифодалашини таъкидлadi.

Тадбирда аскарларни ушбу унуглиларни билан табриклаш учун ИИБ фахрийлари, ота-оналар ташриф буюришиб ўзларининг дил сўзларини изҳор этдilar.

Тантанада «Турон ўлдузлари» бадиий жамоаси ўзларининг куй ва кўшиқлари билан иштирок этишиди.

**М. ЖЎРАЕВ,
подполковник.**

ХИЗМАТ ИНТИЗОМИ ЯХШИЛАНАДИ

Гапидри. Нотиқ жойлардаги раҳбар ходимлар ўз хизмат вазифаларига қандай ёндашиштагани, шахсий таркибининг маънавий-маърифий, сиёсий ҳамда ҳукуқий билимини ошириш, хизмат интизоми ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, жамоат ташкилотлари фаолиятини назоратга олиш масалаларига тўхтаталар экан, айрим жамоатларда ҳамон хизмат интизомига риоя этишилар, қонунбузарликларга ўз үриш ҳолатлари содир этилаётганини таъкидлadi. Кейинги масала бўйича вилоят ИИБ ШТБИХ бошлигининг ўринбосари, майор Б. Мусатаев, Бекобод шаҳар ИИБ оддий ва кичик бошлиқлар таркиби «Ахлоқ, одоб ва интизом судлари»нинг қонунбузарликларга йўл қўяётган ходимларга нисбатан таъсирини кучайтириш зарурлигини ўқтириб, мисоллар келтириди.

Семинар-кенгаш давомида Оҳангарон тумани ИИБ ўрта ва кичик бошлиқлар таркиби «Ахлоқ, одоб ва интизом судлари» томонидан 2006 йилнинг тўрт ойи давомида эришилган натижалар ва келгусида амалга ошириладиган ишларни янада яхшилаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

**Шерали АНВАРОВ,
капитан.**

ТҮЙХАТ ЎРНИДА

Ушбу хонадонга ташриф буюрганда бизни очиқ чехра билан кутуб олган онахон етти невара ва икки эваранинг суюкли бувижониси, Мирали отанинг умр йўлдоши Маъсуда ая экан. Ҳовлида куймаланиб хомтот қилаётган Мирали ота етмиш беш ёши қаршилаётган бўлса-да, ҳамон тетик, бақувват кўринарди. Укиши муддаомизни эшишиб, бироз ўйга толиб, мазмунли ўтган ҳаёт ўйини эслай бошлади.

- Ҳар бир даврнинг синови ҳам, сийлови ҳам бўлди, - деди отахон. - Шу гап рост бўлса, мен унисини ҳам, бунисини ҳам бошимдан кечирганиман. Ҳаёт тажрибали раҳбарлар, ўз ишини пухта билувчи, масъулиятли, билимдон кишиларга, садоқатли касбдошларга рўбарў қилди. Умр мобайнида эришган ютуқларимни уларсиз тасаввур этолмайман.

Болалиги суронли уруш ийларига тўғри келган Мирали ўқиш билан бирга далада кетмон ҳам чопди. 1952 йилда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумини тутатиб, республика Ички ишлар вазир-

ЭЛ-ЮРТИГА

МУҲАББАТЛИ ИНСОН

лиги тизимида милиция мактабига ўқишига кирди. Дастребки хизмат фаолиятини Тошкент вилояти, Ўртасарой тумани ИИБда тезкор ходимликдан бошлади. Кейинчалик Ўртачирик тумани ИИБда турли лавозимларда ишлаб, тажриба тўплади. Бу орада Тошкент Давлат юридик институтини тугаллашга муваффақ бўлди. Раҳбариёт энди 32 ёшга тўлган, изланувчан, фидойи йигитдаги иқтидорни пайқаб, вазирлик апаратига ишга олди. Вақт ўтиши билан Мирали Мирпўлатов жазони ижро этиш тизимида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди. У қаерда, қайси вазифада ишламасин, ўрганиш ва изланнишдан тўхтамади.

Мирали Мирпўлатовнинг кўкрагини безаб турган «Шуҳ-

рат» медали, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» унвони унинг сабот ва иродаси, сидқидилдан қилган меҳнатига берилган муносаб баҳодир. У 1987 йили полковник унвонида нафақага чиқди. Аммо шундан кейин ҳам эл-юрт хизматига камарбаста бўлди. Кўп йиллар мобайнида Охунбобоев номли қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилди, маҳалла ободончилигига ўз ҳиссасини қўшиди.

«Кимларгадир керакли эканлигингни ҳис қилиб яшашнинг ўзи улкан баҳт». Мирали ота тез-тез тақорролаб турадиган бу ибора ҳавои гаплар эмас, айни ҳикмат. Умри мобайнида ана шунга риоя қилган инсоннинг дил рози бу. Кўпчилик ички ишлар ходимига қаттиқ-қўйлик хос, деб ўйлади. Ми-

рали ота бунга унча қўшилмайди. У ҳалқимизнинг «Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан қилич қинидан чиқади», деган нақлини бот-бот тилга олади. Инсонга ҳар қандай муаммони тўғри тушунтириб, хушфеъллик билан англатиш мумкин. У ҳаёттй тажрибаси давомида бунга кўп бор амин бўлган.

Маъсуда ая оиласиб альбом ичидан Мирали ота турли даврларда тушган суратларни ажратар экан, йиллар давомида у билан ҳамнафас бўлаётганидан мамнун эканлигини яширмади.

- Ҳозиргача ҳамкаслари, шогирдлари тез-тез йўқлаб туришади, - деди онахон. - Айниқса, байрам ва тўй-тантаналарда табриклаб келувчиларнинг кети узилмайди.



Масъул вазифаларда ишлаган пайтларида ходимларга худди яқинларидек ўз меҳрлари, самимий муносабатларини аямасликларини сезардим. Инсондан фақат яхшилик қолади, деб кўп бор таъкидлайдилар. Фарзандлари камоли, невара-чеваралари иқбалига эътибор ва умид билан қарайдиган, фидойи умр йўлдошим борлигидан фуруранаман.

Эли, юртига муҳаббатли, юртдошларига мурувватли Мирали ота Мирпўлатовни қутлуғ ёш билан табриклар эканмиз, шогирдлари ва яқинлари баҳтига доимо омон бўлишларини тиаб қоламиз.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ.

КУРСАНТЛАР

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕЁШЕР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юртни битирганлар ички ишлар тизимида самарали хизмат қилмоқда. Ушбу таълим муассасаси чуқур билимли, амалий қўнижмалари мустаҳкам кадрлар етказиб бермоқда. Биз билим юртнинг интизомли, ўқишида намунали саналган 2-босқич курсанти Малик Умаров билан сұхбатлашдик.

Абдуазиз Умаровнинг хизматлари катта бўлган.

- Бу соҳанинг ўзига яраша машиққатлари бор. Сиз бундан чўчимайсизми?

- Отам - «Чумчукдан кўрқсан одам тариқ экмайди», - деган гапни кўп тақорлайди. Инсон ўзи бахтини ўзи яратади. Ҳар бир инсонда касбга бўлган ҳавас, иштиёқ, ўзининг кучи, қобилиятига ишончи мустаҳкам бўлиши керак. Ана шунда ҳар қандай қийинчиликлар ҳам аста-секин чекинади.

Айрим ёшлар ота-оналирининг хоҳиш-истаги билан касб танлашади. Бундайларнинг тутган йўлини мен ҳеч қачон маъқулламаган бўлар-

дим. Амаким, подполковник Абдуазиз Умаровнинг маслаҳати билан бу соҳага ўзими болаликдан тайёрлай бошлаганман. Мактабда барча фанларни аъло баҳоларга ўзлаштириб футбол майдонига ошиқардим. Спортнинг бошқа турлари билан ҳам мунтазам шугулланганман.

Президентимиз И. Каримовнинг «Юртимизга мард ва фидойи фарзандлар керак» деган сўзлари биз ёшлар учун ҳамма вақт шиор бўлиб қолиши керак.

- Ўқиши давридаги қийинчиликларни қандай енгиб ўтдингиз?

- Тўғри билим юрти ҳаётига кўнижиси осон бўлмади. У

ерда ўрнатилган тартиб-интизомга ўрганиш қийин, кечади албатта. Эрталаб соат 6.00 дан туриб жисмоний тарбия билан шуғулланиш, аввал бир, кейинчалик уч километрчага югуриш, турникда тортилиш буларга кўнижисида дастлаб қийинчиликлар бўлди. Бугунги кунда 2-босқични яқунлар эканман булар мен учун оддий ҳолга айланиб қолди. Жисмоний баркамоллик деган тушунчанинг мазмун-моҳиятига энди тушуниб етдим деб ўйлайман.

Фанларни ўзлаштириш, айниқса, биз учун тамомила ноғаниш бўлган ҳарбий техникалар сир-асрорларини эгаллаш осон кечмади. Шунингдек, ҳар бир курсантнинг тайёргарлиги амалий дала ўкув машгулотларида синалади. Буларнинг бари бўлгуси офицер сифатида шаклланиб бораётганимиздан нишона. Доно ҳалқимизда «Интилганга толе ёр» деган нақл бор. Бўлгуси офицерлик касб-маҳоратини эгаллаш йўлида бор куч-гайратимизни сафарбар қилиб бораверамиз.

- Устозларнинг ҳақида иимальлар дея оласиз?


- Тажрибали устозлардан сабоқ олиб касб сирларини

ўрганаяпмиз. Фидойи мураббийларимиздан взвод командири, катта лейтенант Даврон Жуманазаров, гурух командири лейтенант Даврон Ботировлар ўқув машгулотларини ўзлаштириб боришимизда яқиндан кўмак бермоқда. Айниқса, билим юртнинг тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, полковник Ўқтам Умаровнинг оталарча гамхўрлиги, самимий маслаҳатлари менинг ўқишига, касбга бўлган меҳримни тобора ошириб бормоқда.

- Ички ишлар идоралари ходими қандай фазилатлар соҳиби бўлиши керак.

- Ички ишлар ходими аввали, ўз касбнинг билимдони бўлмоғи керак. Биз юртда тинчлик ва осойишталиктни сақлашга масъулмиз. Шунинг учун ҳар қандай қалтис вазиятларда ҳам жасорат намуналарини кўрсата оладиган мард ва жасур бўлмоғимиз шарт. Бунинг учун эса жисмонан чиниқкан, маънавий юксак инсонлар қаторидан ўрин олишимиз даркор. Ана шунда Ватан учун керак бўлганда жонини ҳам фидо қилишга тайёр ходим бўлиб етишади.

**Фурқат Холиқулов
сұхбатлашди.**



- Сизда ички ишлар идораларида хизмат қилишга қизиқиши қачон пайдо бўлган.

- Оилада ягона ўғил фарзанд бўлишимга қарамасдан ота-онам ички ишлар соҳасига қизиқишимга монелик қилишмаган. Отам қурувчи. Бўш пайти кам бўларди. Шунинг учун менинг тарбиям билан кўпроқ Жиззах шаҳар ФХД ё бўлими ходимаси бўлиб ишлайдиган онам шуғулланган. Онам менинг тарбиямда жуда қаттиқ ёки бўлиб дарс ўзлаштиришимдан тортиб то спорту билан мунтазам шуғулланишимгача назорат қиласди.

Ўқиган китобларим ҳамда кўрган фильмлардаги ички ишлар ходимларининг жиноятчиларга қарши кураш эпизодларидан олган тасаввурларим туғайли албатта келажакда ички ишлар ходими бўламан деган тушунча қалбимда қаттиқ ўрнашиб қолган. Бу касбга менда ҳавас ўйғонишида айниқса, амаким, Жиззах вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармасида ишлаган подполковник

ИШОНЧИИ ОКЛАШ ШАРАФ


Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий армиямизда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ҳарбий хизматнинг нуфузи ошиб, у том маънода шон-шараф ишига айланди. Буни ўз ҳаётини армия билан боғлашга ҳаракат қилаётганлар сони йилдан-йилга тобора ошиб бораётганидан ҳам билса бўлади.

Республика Ички ишлар вазирлиги Қоровул Кўшинларига қарашли полковник Александр Синицин бошлиқ қилаётган ҳарбий қисмимида ҳар бир ҳарбий хизматчининг жанговар хизмат вазифаларини аниқ ва вақтида бажарилишига эришиш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор бериляпти.

Яна бир вазифамиз ҳарбий қисмимида хизматчиларнинг қонунчиликка қатъий амал қилишига, жанговар хизмат ҳамда гарнizon ва қоровул хизмати низомлари талабларининг бажарилишига эришишдан иборатдир. Бундан ташқари ҳарбий хизматчиларнинг ҳукуқий билимларини ошириш, ижтимоий – сиёсий тайёргарлик машгулотларини ташкил қилиш ҳамда ўз вақтида ўтказишга қатъий риоя этилмоқда.

Уларнинг маданий ҳордик чиқаришлари ҳамда маънавий дунёсини бойи-

тиб боришлари учун турли хил тадбирлар ўтказиласпти. Республикамизнинг таникли адабиёт, санъат



намояндалари, уруш ва хизмат фахрийлари билан ўтказилаётган учрашувлар барчада катта таассурот қолдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий

муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини жамоамиз мамнуният билан кутиб олди. Шартнома асосида хизмат қилаётганлар Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай фамхўрликлардан беҳад миннатдор бўлишиди. Ҳожиакбар Шералиев, Алишер Валиев, Жаҳонгир Жўрабоевлар ижарада яшаётганлиги учун ҳар

сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг моҳияти ҳар бир хизматчига атрофлича тушунтириб борилмоқда. Шу асосда 15-16 февраль кунлари тест синовлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ва жанговар тайёргарликда аъло кўрсаткичларга эришган,

интизом талабларига қатъий риоя қилиб барчага ўrnak бўлган ҳарбий хизматчиларга ўқишига кириш учун имтиёзли йўлланмалар берилди. Маълумки, бундай йўлланмаларга эга бўлган абитуриентларга тест синовларида тўпландиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл

берилади. Бундай шарафга эга бўлган Илҳом Тошпўлатов, Акмал Рўзалиев, Элиёр Хонназаров, Арслон Отамуродов, Арслонбек Пардаевлар айни кунларда олий ўкув юргарига кириш имтиҳонларига қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Шу йил 7 июндан барча ҳарбий қисм ва бўлинма-

ларда бошланадиган ёзги ўкув мавсуми давомида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги бўйича ўкув дастурига асосан машғулотлар олиб борилајти. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзига ишониб топширилган қуролни моҳирлик билан ишлата олиши ва нишонга бехато отишни муқаммал ўзлаштириши талаб қилинади. Ўкув мавсуми якуни бўйича ҳар бир ҳарбий хизматчи ҳамда бўлинмаларнинг тайёргарлигига баҳо берилади.

Ҳарбий хизматчиларимиз бўлинмаларнинг кўрсаткичи ҳар бирiga боғлиқ эканлигини масъулият билан ҳис қилган ҳолда, ўзининг жанговар шайлиги ва тайёрғағлигини ошириб бориб юқори натижаларга эришишга ҳаракат қилишмоқда. Ана шундагина Президентимиз И. А. Каримовнинг «Биз шунга эришмогимиз керакки, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли иши, шон-шараф иши бўлмоги лозим», деган сўзларига амал қилган бўламиз.

Турғун ХОЛИҚОВ,
ҳарбий қисм командирининг
тарбиявий ишлар бўйича
ўринбосари, полковник.

**Суратни Баҳриддин
ЛУТФУЛЛАЕВ олган.**

2006 ЙИЛ – ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

ЛОЛА – «СНАЙПЕР»

Ҳар бир касбнинг ўз усталари, билимдонлари бўлади. Лола муаллимлик қилиб обру топаётган онасининг изидан боришини жуда хоҳлади, аммо тақдир тақозоси билан ҳамшира бўлиб етишиди.

Мавлуда опа ишдан чарчаб келсада, кўриниши, гап-сўзларидан ҳоригани сезилмайди. Чунки у дарсни қандай ўтгани, болаларнинг шўхликлари, феъл-атворидаги қизиқ жиҳатларни айтиб, уйдагиларни ҳайратга соларди. Лола онасининг сўзларини тинглар экан, унинг касбига, ўкувчиларига бўлган муҳаббати ўзига ром этарди. Шу боис, келажакда албатта у каби муаллима бўлишни дилига тутиб қўйганди. Бироқ одамларнинг дардига малҳам бўлиш истаги устунлик

қилди. Шу боис, ўрта мактабдан сўнг ҳужжатларини Охунбобоев номидаги тиббиёт билим юргига топширди. 1996 йили ўқишини муваффақиятли битиргач, Тошкент шаҳар ИИББ поликлиникасига ишга келди. Шундан бери кундузги даволаш бўлинмасида ҳамшира бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

– Ички ишлар соҳасининг ўзига яраша машиқатлари бор, – деди Лола Мадалиева биз билан сұхбатда. – Олдимга шифо истаб келган ходимларни муолажа қилаётганимда аввало, муомалам, ширин сўзларим билан уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиласман. Бу бизнинг ишимида жуда муҳим ўрин тутади. Даволаш сирасорларини ўрганишимида катта ҳамшира Генко Лода Павловнанинг хизмати катта.

Бош бошқарма тизимида фаолият кўрсатаётган ходимлар ҳамширанини Лола – «снайпер» дея эъзозлашади. Унга бундай ном берилгани бежиз эмас. Лола ҳар қандай кишининг томирига худди снайпер ишионни аниқ мўлжалга олгандек, моҳирлик билан, битта уринишда «туша» олади. Укол олиш бу-



юрилган ходимлар унинг ҳузурига кириш учун навбат пойлаб туришларининг сабаби ҳам шундан.

Ҳозирда Лола Мадалиева кунига 15-20 нафардан беморни қабул қилиб, муолажа кўрсатмоқда. Уларнинг белгиланган уколларни ўз вақтида олиши, ҳарорати ва қон босимини назорат қилиб бориши унинг зиммасида. Ҳамиша жилмайиб турадиган, ши-

ринсўз ҳамширадан даво топиб, яна қадрдан жамоасига қайтаётган ходимлар: «Қўлингиз асло дард кўрмасин, юзингиздан эса табассум аrimасин», деда мамнун ҳолда хайрлашиб кетишаётганинг гувоҳи бўлиш мумкин.

Сайдулла ШОДИЕВ.
Суратда: Л. Мадалиева беморни кўздан кечираяпти.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига қарамай гиёхвандлик бутун Ер юзи бўйлаб кенг тарқалиб бормоқда. Ушбу иллатнинг мудҳиш оқибатлари, моддий ва маънавий зарарлари тўғрисида жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали кўплаб чиқишилар қилинмоқда. Бу борада қатор мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бир нечта халқаро анжуманлар ўтказилди, гиёхвандликка қарши турли чоратадбирлар белгиланди. Энг ачинарлиси, Ислом оламида мусулмонман, деб юрган инсонлар томонидан оғу етиширилиши оқибатида ёш авлод унинг қурбони бўлаётганидир. Офат домига тушиб қолгандар орасида мактаб ўқувчилари, талабалар, ҳатто аёлларни ҳам учратиш оддий ҳолга айлануб бормоқда. Хўш, Ислом динида гиёхвандликка қандай қаралади? Шу масалада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита бўлим бошлиги Муҳаммадбобур Йўлдошевга мурожаат қилдик.

Расул дунёга келганида ота-онаси роса қувонишганди. Улар кенжатойларини еру кўкка ишонишмас, кўнглига қараб иш тутишар, айтган нарсасини сўзсиз муҳайё қилишарди. Кунлар, шиллар шу таҳлилда ўтиб борарди. Папалаб ўстирилган фарзанд ошадагилар қолиб, маҳалладошларга ҳам ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Ўтганинг ўрганин, кетганинг кетменини олиш унинг кундаклик юмушига айланди. Ҳеч бир ишининг тайини ўйқ, худобезор болалар даврасига қўшилди. Аллақачон одамгарчиликни унуптиб, фақат кайфу сафою машшатни ўйлайдиган ўғилини тўғри ўйла қандай солиши мумкинигина ота-онаси билмай қолганди. Нотўғри тарбия ўз «меваси»ни бериб бўлганди.

Расул ўрта мактабни битирганида дадаси Абдулла ака уни бирорта олийгоҳга жойламоқчи бўлди. Лекин мактабни амал-тақал қилиб битирган Расул ўқишига ҳам, ишга ҳам тоби ўйклигини билдириди. У такасалтанглик қилиб кунини кўчада ўтказарди. Тез-тез уйга кўзлари қизартган ҳолатда келишини акалари сезиб қолишиди. Ота-онаси қариндошуруглар билан маслаҳатлашиб, уни уйлантириб қўйишига аҳд қилишиди. Оила, рўзгор ташвиши билан бўлиб ёмон одатларини ташлаб юборар деб ўйлашганди. Шу боис, қўшни маҳалладаги бир оиласининг тўнғич қизини унаштириб қўйишиди.

Тўй куни ҳам Расул нашанинг хуморига чидай олмай, ёнида ўтирган оғайнисидан битта «ўраб» беришни илтимос қилди. Бошини секин эгиб бурқсираб тутаётган сигаретни чуқур-чуқур тортиди. Келин куёвга бир икки қараб қўйди, нима бўлаётганини тушунмади. Никоҳ оқшоми тутаб меҳмонлар бирин-кетин тарқала бош-

уларнинг томорқаси анчагина. Бўлмаса рўзгор тебратишга қийналиб қолишиарди. Расул ота-онасига ёрдан бериш ўрнига, наша чекиб олиб улрага ўдағайлар, куннинг жазирамасида ҳам томорқада ишлашга мажбурларди.

— Кани, чаққон-чаққон ҳаракат қилинглар. Ерини юмшатиб бўлгач, кўчтларни ҳам экишларинг керак, — деда бақирди бир куни сояда ётган Расул. — Бола боқиши осонмас, ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйиш керак эди.

— Қизим, нима бўлганини айтинг, тинчликмиди ўзи? — деда сўради.

— Тўйнинг биринчи кечасиданоқ гиёхванд ўғлингиз ёқилган сигаретни баднимга босар ва шу билан кайф қиларди. Унинг хўрлашу азобларига тишимни-тишимга қўйиб чидардим. Қечкурун бўлди дегунча даг-дағ титрай бошлардим. У менга бирорга «ғинг» десант сўйиб ташлайман, деб қўрқитарди. Шу боис, ҳеч кимга айтольмай, барчасини ичимга ютишга мажбур

эдим. Баъзида пул топиб бер, деб калтакларди. Шунда ҳам сизларга билдиримас эдим. Аста-секин уйдаги магнитофон, телевизорни қандайдир йигитларга бериб юборди. Кейинчалик сандиқдаги матоларни ҳам бирма-бир нашага алмаштириди. Оғу таъсиридаги қийнашлари жон-жонимдан ўтиб кетди ва ҳеч кимга индамай уйға кетиб қолдим. Бўлуб ўтган воқеаларни фақат онамга гапириб бердим: Агар дадам эшитганида қиёмат-қойим бўларди.

— Эҳ, қизим, — деда келинини бағрига босди Адолат ая. — Муштдек бошингизга ҳалитдан шунча кўргулик тушдими? Ҳаммасига биз айбормиз. Вақтида унинг тарбиясини издан чиқариб, ҳадлан ташқари эркалатиб юборганимиз туфайли шундай бўлди. Хафа бўлмант, чорасини топармиз.

Шундан сўнг Расулни вилоят наркологик диспансерида даволатишиди. Ундаги ўзгаришларни кўриб ҳамма хурсанд бўлди. Лекин уларнинг үзоққа чўзилмади. «Букрини гўр тузатади» деганларидек, Расул яна эски ҳамтовоқлари билан олди-берди қила бошлади. Бир куни нашага тўйиб олиб қандайдир баҳона билан Зиддани Адолат аянинг олдида калтаклай бошлади. Онаси уни инсоға чақириди. Шу пайт ота-онасинга ҳол-аҳволидан хабар олтани келган Самад жанжалнинг устидан чиқиб қолди. Шунда Расул:

— Ҳаммаг душманимсан, ҳозир кўрсатиб қўйман, — деда-да дастурхон устидаги пичоқни олди.

— Вой-дод, — деб Адолат ая келинини ортига яшириди. Самад эса укасининг кўлидаги тифни тортиб олмоқчи бўлди.

— Мана сенларга!...

Дод-фарёлдан ўзига келган Расулнинг кўзи ерда қонга бўялиб ётган акаси Самадга тушди.

Шу тариқа нотўғри тарбия таъсирида ўғсан нотавон ўғилнинг қўлмиши бир нечта оиласининг баҳтисизликка юз тутишига олиб келди.

Кобилжон ШОКИРОВ.

ГИЁХВАНДЛИК — ИСЛОМ ДИНИ НУҚТАИ НАЗАРИДА

— Маълумки, барча ислом аҳлининг асосий диний таълимот манбаи бўлмиш Қуръони Каримда, — деди сұхбатдошимиз, — Аллоҳ таоло Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)ни бутун башариятга Ўзи тарафидан элчи қилиб юборишининг қатор сабабларидан бири сифатида тоза-пок нарсаларнинг ҳалол эканлиги ва нопок нарсаларнинг ҳаромлигини уларга билдириш вазифаси деб кўрсатган. «... У (пайғамбар) уларни (инсонларни) яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қиласди...» (Аъроф сураси, 157-оят). Ушбу ва бошқа ояти қарималардаги илоҳий кўрсатмаларга асосланиб Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаром» дедилар (Илом Муслим ривояти).

Оят ва ҳадисларда гиёхвандлик моддаларининг номи келтирилмаган-ку, деган савол туғилиши мумкин. Тўғри, Пайгамбаримиз даврларида, ҳатто Аббосийлар халифалигининг дастлабки йилларигача ҳам ги-

ёхвандликнинг ўзи ҳам, номлари ҳам ислом оламига ёт нарса бўлган.

Айтиш мумкини, Пайгамбаримиз ўзларидан кейинги даврларда инсониятга ҳаммоддий, ҳам маънавий зарар келтирувчи нопок нарсаларнинг турлари ва номлари кўпайиб кетишини олдиндан билиб, ўз умматларини огоҳлантириб кетганлар. Ҳақиқатан ҳам кишини маст қилувчи, бадани бўшаштирувчи, заифлаштирувчи заҳри қотил моддаларнинг турлари ҳозирги кунда ҳам кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Расулимиз алайҳиссалом ҳаммасига умумий қилиб: «Ҳар қандай маст қилувчи ва бадани бўшаштирувчи нарсалар ҳаром» деб асосий қондайлардан бирини баён этидилар.

Илом Бухорийнинг ҳадис тўпламига шарҳ ёзган буйоқ алломалардан бири Илом Абу Бакр Қастолоний гиёхвандлик моддалари турлари ва уларнинг ҳаромлигига бағишилаб алоҳида бир китоб ёзганлар ва номини «Нашани ҳаром қиласди» билан турмушни икром этиш

деб атаганлар. Имомиддин ибн Абу Шариф ва бошқа олимлар ҳам гиёхвандликнинг мудҳиши оқибатларига доир асрлар яратганлар. Шунингдек, асризиз уламоларидан ҳам жуда кўплари заҳри қотилнинг зарарли эканлигига оид китоб ва рисолалар ёзганлар. Ислом оламининг кўп диёрларида оғунинг зарари ҳамда ҳаромлиги ҳақида маҳсус фатволар ва мақолалар эълон қилиниб келинмоқда.

Ислом дини инсонга зарар келтирувчи нарсаларни, айникиса, ақлни кетказувчи ва уни заифлаштирувчи ҳар қандай нарсани ҳаром деб ҳисоблайди. Шунингдек, у инсон соғлигининг ёмонлашуви ёки ҳалокатига сабаб бўлувчи воситалардан чекланишга буюради.

Гиёхвандликка сарф этиладиган ҳаражатлар шахсга ҳам, жамиятта ҳам иқтисодий зарар келтириши билан бирга ироғарчиликка киради. Ироғарчилик эса Қуръони Карим ва ҳадис билан ҳаром қилинган. Шариатда молу бойликни бехуда сарф этиш ҳаром саналгандан кейин гиёхвандлик

моддаларидек кони зарар нарсаларга ишлатиш нега ҳаром бўлмасин! Гиёхвандлик моддалари кўпгина бошқа зарарлари билан бир қаторда маст қилиш хусусиятига ҳам эгалир. Ҳазрати Ойиша (разийаллоҳу анҳо) айттнларки: «Аллоҳ таоло ароқни ароқ деган номи учун ҳаром этган эмас. Балки уни истеъмол қилгандан кейин рўй берадиган кўнгилсиз воқеалар учун ҳаром қилган. Қайси бир нарсанинг оқибати ароқ каби бўлса, у ҳаромдир» (Дориқутний, Қуртубий тафсир, 37-48-бетлар). Мабодо, гиёхвандлик моддалари ароқ каби маст қилмайди деб ётиroz билдирувчилар топилса, уларга жавоб шуки, Умму Салама онамиз ривоят қилидилар: «Пайғамбаримиз салаллоҳу алайҳи вассалам ҳар қандай маст қилувчи, бадани бўшаштирувчи ва сусайтирувчи нарсаларни истеъмол қилишни ман этганлар» (Абу Довуд ривояти).

Кўриниб турибиди, гиёхвандлик Ислом динида ҳам қаттиқ қораланади. Бундан ташқари унинг жамиятта етказидан иқтисодий ва сиёсий зарарлари, саломатликка ҳамда ёшлар тарбиясига салбий таъсири, оилани таназзулга олиб келиши барчага маълум. Шундай экан, ҳалқимиз фаровонлиги, юртимиз ободлиги йўлида келажак авлодни оғу балодидан асерлайлик.

— Эҳ, қизим, — деда келинини бағрига босди Адолат ая. — Муштдек бошингизга ҳалитдан шунча кўргулик тушдими? Ҳаммасига биз айбормиз. Вақтида унинг тарбиясини издан чиқариб, ҳадлан ташқари эркалатиб юборганимиз туфайли шундай бўлди. Хафа бўлмант, чорасини топармиз.

Шундан сўнг Расулни вилоят наркологик диспансерида даволатишиди. Ундаги ўзгаришларни кўриб ҳамма хурсанд бўлди. Лекин уларнинг үзоққа чўзилмади. «Букрини гўр тузатади» деганларидек, Расул яна эски ҳамтовоқлари билан олди-берди қила бошлади. Бир куни нашага тўйиб олиб қандайдир баҳона билан Зиддани Адолат аянинг олдида калтаклай бошлади. Онаси уни инсоға чақириди. Шу пайт ота-онасинга ҳол-аҳволидан хабар олтани келган Самад жанжалнинг устидан чиқиб қолди. Шунда Расул:

— Ҳаммаг душманимсан, ҳозир кўрсатиб қўйман, — деда-да дастурхон устидаги пичоқни олди.

— Вой-дод, — деб Адолат ая келинини ортига яшириди. Самад эса укасининг кўлидаги тифни тортиб олмоқчи бўлди.

Дод-фарёлдан ўзига келган Расулнинг кўзи ерда қонга бўялиб ётган акаси Самадга тушди.

Шу тариқа нотўғри тарбия таъсирида ўғсан нотавон ўғилнинг қўлмиши бир нечта оиласининг баҳтисизликка юз тутишига олиб келди.

Кобилжон ШОКИРОВ.

Нотавон ўзи



«Зарур юмуш билан Самарқанд шаҳрига боришимга тўғри келди. Ишларим биттагач темир йўл бекатига келсан, Бухорога элтадиган поезд жўнаб кетибди. Навбатдагисини саккиз соатга яқин кутиш керак эди. Ниҳоятда чарчаганимдан силлаам қуриб, нима қилишини билмай турган эдим, бекаттармоқ ички ишлар бўлими ходими, сержант Парвез (афсуски фамилиясини сўрамабман) жонимга оро кирди. У иссиқ чой дамлатиб, атрофимда парвона бўлиб, ҳордиқ чиқаришимга кўмаклашди ва кечки поездга чиқариб юборди. Ана шундай софдил, оддий фуқароларга қайишадиган, фидойи ички ишлар ходимлари доимо мон бўлишишин...»

Бухоро шаҳрида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши ногирони, истеъфодаги полковник Мирзо Очиловнинг миннатдорчилик хатидан олинган ушбу сатрларни бежиз эътиборингизга ҳавола этмадик. Таҳририятга келаётган номаларни кўздан кечирганимизда шунга ўхша мазмундаги илиқ сўзлар дарҳол эътиборимизни тортмоқда. Сурхондарёлик Сафар Кокиловнинг мактуби ҳам ана шундай руҳда ёзилган. Муаллиф 48 кишидан иборат уруш ва меҳнат фахрийлари Хива шаҳрига зиёратга боришгани, аммо автобус ҳайдовчиси уларни ташлаб кетганча қайтиб келмаганини баён қилган. Хива шаҳри ва тумани, вилоят ИИБ ЙҲХБ раҳбарлари кўмагида отахонлар «Боқчаховуз» савдо маркази чойхонасида меҳмон бўлгач, бошқа автобусда зиёратгоҳлар, бозорларни айланышган. Сўнг Хоразмдан чиққунча уларни йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари кузатиб қўйишган. Зиёратчилар бундай эътибор ва меҳмондўстликдан ниҳоятда мамнун бўлганлар. Оҳангарон шаҳар ИИБ ҲОБ профилактика инспектори, майор Б. Нигматовнинг «Касблар хилмай, мен ким бўламан?» сарлавҳали мақоласини ана шу самимий тилакларнинг мантиқий давоми, дейиш мумкин. У ўсмирларга турли касблар ҳақида тушунча берар

екан, ички ишлар ходимларининг ўз бурчига содиклиги, масъулиятига алоҳида тўхтадиган. «Бу қасбни эгалламоқчи бўлганларга орзухаваснинг ўзи камлик қиласди, — деб ёзди муаллиф. — Бунинг учун уларда шу соҳага қизиқиши, иктидор ва шижоат ҳам бўлиши зарур. Ана шунда халқ ишончини қозонишиади».

Хукмингизга ҳавола этмоқчи бўлган навбатдаги бир нечта мактуб ички ишлар идоралари фахрийлари ҳақида. Катта сержант Бекмурод Усмонов «Овшарликлар фахри» деб номланган мақоласида Ҳазорасп тумани «Овшар» қишлоғида яшовчи истеъфодаги катта сержант, «Жасорат» медали соҳиби Ҳасанбай Абдуллаевниг

нинг тинчлик ва осо-ишишталик йўлидаги сайд-ҳаракатлари етарли даражада очиб берилмагани, баъзилари қуруқ баёндан иборат бўлиб қолгани, яшаш манзили кўрсатилмагани ёки бошқа камчиликлари борлиги туфайли газетада ёритишиштинг имкони бўлмади.

Кейинги пайтда республика олий ўкув юртларида таълим олаётган талабалар, магистрантлар ҳам газетамиз саҳифалари ўқимишли чиқишига баҳоли қудрат ҳисса кўшиб келишаётгани қувончлидир. Улар одамларни ўйлантираётган муаммолар бўйича кўпроқ қалам тебратишаипти. Аммо бизга йўллаётган айрим мақолалиги талабга жавоб бермаслиги кўзга ташланиб қолаяпти. Тошкент Давлат юридик ин-

яшовчи Тошбўри Шониёз ўғли ўз мақоласида бугунги кун кўшиқчилиги ҳақида сўз юритган. У Матъмуржон Узоков, Таваккал Қодиров, Отажон Худойшукоров каби улкан истеъод соҳибларини мисол тариқасида келтирада энди ҳозирда айрим ёшларимиз изланиш ўрнига тутуркусиз, мазмунан саёз-қўшиқлар куйлаб, миллий санъатимизга путур етказишаётганидан афсусланади. Муаллиф мулоҳазаларни ўзи гувоҳ бўлган воқеалар, кузатишлари билан уйғуллаштирганда мақола пишиқ-пухта чиқиб, газета юзини кўрган бўлар эди.

Таҳририятга келган яна бир туркum хатлар борки, уларда содир этилаётган турили жиноятлар ва ички ишлар ходимларининг сайд-ҳаракати туфайли ўз вақтида

да келтирган. Самарқандлик истеъфодаги подполковник Анвар Фуломонвинг «Хиёнат», «Одам борки...», Асака тумани ИИБ терлов бўлинмаси бошлиғи, майор Р. Раҳматуллаевнинг «Қийшиқ мурининг эгри тутуни» сарлавҳали мақолаларида ҳаётда адашган ва ножӯя ишларга кўл урган инсонларнинг аянчили тақдирни ҳақида фикр юритилади. Очиги, ушбу материалларни синчилаб ўқиб чиққинг келади. Бироқ қуруқ баёндан иборат эканлиги, келтирилган воқеалар тўлақонли очиб берилмагани, муаллифда фантазия этишмаслиги ёки фактлар тўлиқ эмаслигини билгач, аттанд, дея афсусланаб қоласан, киши. Таҳририятга мақола йўллаётган ҳаваскор қаламкашлар ва муштариийларимиз шу жиҳатларга эътибор беришларини истардик.

Биз шунингдек, Тошкент шаҳридан Тимур Рўзимов, сармарқандлик Бахтиёр Жумаев, Зофири Файзиев, Нилюфар Муратова, Сурхондарё вилояти Шеробод туманида яшовчи Курбон Эшматов,

Кўқон шаҳри Муқимиш шаҳарчасидан Ҳуснида Каримова, Тошкент вилояти Бекобод шаҳри Мустақиллик маҳалласи оқсоқоли Ф. Габдураҳмонов, Фарғона вилоятилик Бекзодаҳон Исламова, уруш ва меҳнат фахрийи Ж. Турдиев, Хонобод шаҳар ИИВ катта терговчиси, майор Ф. Ахунов, Термиз шаҳридан О. Алимовлардан ҳам турили мазмундаги хат-хабарлар олдик. Аммо юқоридагига ўхша айрим жузий камчиликлар борлиги туфайли улардан фойдаланишнинг имкони бўлмади. Бунинг учун узр сўраймиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, таҳририят ижодий жамоаси ўз фаолияти давомида сизлар йўллаётган мақола ва хабарлар, ҳавола этаётган муаммо, таклиф ва мулоҳазаларга таяниб иш кўради. Бу эса газетамизнинг ҳар бир сони ранг-баранг, ўқимишли ва таъсиричан чиқишини таъминламоқда. Келгусида ҳам сизлардан долзарб мавзулардаги пишиқ-пухта материаллар кутиб қоламиш.

Хатлар бўлими.

САТРЛАРГА ЖО БЎЛГАН ТИЛАҚЛАР

ярим асрлик юбилейини нисонлагани, тантанага сабиқ касбдошлари ва яқинлари ташриф буориб, қизғин табриклишлари ҳақида ёзиди юборган. Андикон вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши расининг ўринбосари Тўхтасини Раҳматуллаевнинг мақоласида марҳум ички ишлар фахрийи, ўз вақтида Бўз тумани ИИБ бошлиғи бўлиб ишлаган Жамолиддин Кувватовнинг сермазмун ўтган умри, ҳозирда шогирдлари ва фарзандлари унга муносиб бўлишга ҳаракат қилишадиганини тўлқинланиб ҳикоя қилган. Хоразмлик Қўзи Давлетов ва Саодат Ботировларнинг «Касбга садоқат» деб номланган мақоласида эса деярли ўттиз йил давомида юрт тинчлиги ва осоишилиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураттаги истеъфодаги подполковник Хожиқурбон Собировнинг меҳнат фаолияти ва ҳозирги ҳаётни хусусида гап боради.

Санаб ўтилган мазкур материалларда қаҳрамонлар-

ститути магистранти Жамшид Раҳмоновнинг экология, ат-роф-муҳит муҳофазасига бағишиланган мақоласи ҳақида шундай фикрни айтиш мумкин. Танланган мавзу юхши, эътиборни тортади. Аммо кўнгилдагидек ёритилмаган. Бундай дейишимизга сабаб, асосий масала четда қолиб, экологияга масъул бўлган назорат ташкилотининг вазифалари санаб ўтилган. Яна бир муҳим масала тилга олинган, «Ички ишлар идоралари: ҳуқуқий онг ва маданият» деб номланувчи мақола истеъфодаги майор Үринбой Ҳусанбоев ижодига мансуб. Сарлавҳанинг ўзиданоқ кўриниб турибди, муаллиф долзарб мавзуни ёритишга бел боғлаган. Бироқ мақола анчайин зерикарли чиқсан. Умумий мулоҳазалардан иборат бўлиб қолгани учун назаримизда ўкувчига керакли озуқани бера олмайди. Муаллиф аниқ ҳаётий мисоллар келтириб, муайян таклифлар билдирганида мақсадга мувофиқ бўларди. Қизириқ туманини «Кунчиқиши» маҳалласида

фош этилаётгани баён этилган. Ҳозирда ҳар қандай жиноятта жазо муқаррар эканлигини юртдошларимиз яхши билишади. Шу боис, қонунларимизга ҳурмат руҳида муносабатда бўлмоқдалар. Аммо меҳнат қилишни хоҳламай, мўмай даромад топиш илинжиде қонунларимиз, қадриятларимизни оёқ ости қилишга уринаётган айрим кимсалар ҳамон учраб турибди. Катта лейтенант Зафар Нуриев Урганч шаҳар ИИБ ходимлари «Тозалаш – Антитерор» тадбирида бир гуруҳ ана шундай текинтомоқлар – ўғриларни қўлга олишганини маълум қилган. Лейтенант О. Жўраев байзи ота-оналар, ўкув муассасалари ва вояга етмаганлар билан алоқадор ташкилотлар вакилларининг совуққонлиги туфайли айрим ўсмирлар ножӯя ишларга қўл уришаётганини ёзди. У бир гуруҳ ёшлар Денов тумани, Дўстлик маҳалласидаги ҳусусий дўкондан 416 минг сўмлик мөддий-товар бойликларни ўмарашганини мисол тариқаси-

Кўнгирот тумани ИИБ ҲООБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, лейтенант Азамат Пирназаровни таниган ва билгандар унга ана шундай баҳо бершиади. Азаматга биринчирилган ҳудудда ўн битта мактаб, тўртта маҳалла мавжуд бўлиб, энг «қайноқ» нуқталардан бири марказий дехқон бозоридир.

Ўтган беш ой давомида бу ерда дайдиб юрган эллик бир нафар ўсмир ИИБга олиб келинди, шулардан тўққиз нафари профилактик рўйхатга олинди, тўрт нафари вазирлик қошидаги ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши марказига жойлаштирилди. Қолганларнинг ота-оналари билан алоҳида сұхбатлашиб, болалар тарбиясига эътиборлиро бўлиш уқтирилди. Афсуски, тушунтиришларга

ИСМИГА МУНОСИБ ШИГИД

парво қилмай бола меники, билганимни қиласман, қабилица иш тутувчилар ҳам орамизда учраб туради, — деди А. Пирназаров. — Тўғри, бола уники, лекин фарзанди тақасатнанг, ўзбошимча бўлиб ўсса нафақат ота-она, балки бутун маҳалла аҳли азият чекади-ку. Афсуски шундай ҳолатлар қайд этилаётган.

Салкам эллик ўшни қаршилаган Сарсенбай X, вояга етмаган иккича фарзандини ишлаб пул топинглар, деб мактабга юбормайди. Уларнинг ёнини олган хотинини бўралаб сўқиб, калтаклайди. Онасига раҳми келган,

ароқхўр отасидан қўрқан ака-сингил одамларнинг эшигига хизмат қилишга мажбур бўлишади. Яхшиямки, мактаб, маҳалла, ички ишлар идораси вакиллари биргаликда золим отанинг танобини тортиб қўйишиди. Болалар яна мактабга қатнай бошлиади. Фарзандлари тарбиясига салбий таъсири кўрсатувчи бундай ота-оналардан саккиз нафари профилактик рўйхатта олинниб, тегиши ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Ана шу ишларнинг бошида турган лейтенант Азамат Пирназаровнинг қатъиятилиги ва фидойилиги

ҳақида 2-маҳалла оқсоқоли Досберган Сейтмуротов, «Устюрт» овул-фуқаролар йигини раиси Ондасин Ерниязов, 19-мактаб директори Азат Отениязовлар тўлқинланиб гапиришиди. Азамат хизмат фидойиси бўлиш билан бирга баҳтили оила соҳиби ҳамдир. Иккига ўғил, бир қизининг отаси. Турмуш ўртоғи Марзия ўқитувчи. Асли қонлик ўлларни бу йигитнинг ички ишлар идорасига ишга кирганини энди иккига ўғил бўлса-да, қисқа фурсатда эл ишончини қозониб, назарга тушди. Нукус педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетини туттаган, ҳалқ ўртасида обрў-эътибор топаётган акасига Қаҳрамоннинг ҳаваси келди шекилли, у каби шарафли касбнинг этагидан тутишга қарор қилди. Ҳозирда Қаҳрамон ИИБ Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсида таҳсил олмоқда.

д. Ҳудойшукоров.



РӨСТДА.TV

ХАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДТВ, душанба
23.25 «БҮНДАН БАДТАРИ БҮЛМАЙДИ»
(**«ХУЖЕ НЕ БЫВАЕТ»**)

Кичик шаҳарчадаги банк талаб кетилади. Балки бу мазкур муассаса ходимларидан бирорининг ишидир? Бир эмас, уч ходим бир вақтда ўзлари ишлайдиган банкни талашни режалаштиришади. Улар бир-бирлари билан учрашиб қолишгач ўлжа устида ўзаро талашади.

Ролларда: Алисия Сильверстон, Вуди Харрельсон.



ДТВ, чоршанба
23.00 «ФАРОЙИБ ШОВҚИН» (**«БЕЛЫЙ ШУМ»**)

Севимли хотинидан ажраб қолгач, Жонатан ҳаётини янгидан бошламоқчи бўлади. У бошка ёқса кўчиб ўтади, дўстлари билан мулоқот қилмай қўяди. Аммо бир куни видеокассета олади. Назаридан видеокассета орқали хотини хабар юборганидек, уни қандайдир хавф-хатардан огоҳлантироқчи бўлаётганидек туюлади...

Ролларда: Майкл Китон, Чандра Уэст, Дебора Унгер.



«БИРИНЧИ» канал, жума
20.25 «БРИДЖАТ ЖОНСНИНГ КУНДАЛИГИ» (**«ДНЕВНИК БРИДЖИТ ДЖОНС»**)

Янги йилнинг биринчи кунида 30 ёшли Бриджат Жонс ниҳоят янги ҳаёт бошлашга қарор қиласди. У зарарли одатларини ташламоқчи, семизликдан халос бўлмоқчи. Энг асосийси – чиройли йигит топиб, унга турмушга чиқмоқчи.

Ролларда: Рене Зеллвегер, Колин Фирт, Хью Грант.



«РОССИЯ», шанба
21.45 «ЎТА ОФИР ЖИНОЯТЛАР» (**«ОСОБО ТЯЖКИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ»**)

Клер – омади чопган адвокат. Эри Том Кьюбик эса ишбилармон. Улар ёш, бир-бирларини севишади ва фарзанд кўриш ҳақида орзу қилишади. Аммо талончилик

юз бераб, уларнинг орзулари саробга айланади, ҳаётлари дўзахга айланади. Кейинроқ Том жиноят қилиб қочиб юрган ёлланма қотил эканлиги маълум бўлади...

Ролларда: Эшли Жадд, Морган Фримэн.



ТВ 3, сешанба
0.00 «ЧЕГАРАДА» (**«НА ГРАНИЦЕ»**)

Банк хўжайини Эд Гриэнджер муассаса кўриқчиси Жейкка «Хотиним ким билан дон олишаётганини аникла», – деб кўрсатма беради. Билмайдики, хотинининг жазмани Жейкнинг ўзи. Бунинг устига кўриқчи ўзи кўриқладиган банкни таламоқчи. Буям етмаганидек ҳақиқий талончилар ҳам банк билан қизиқиб қолишган.


Ролларда: Каспер Ван Дин, Дэниэл Болдуин.



«РОССИЯ», пайшанба
21.20 «СЕВГИ ҲАҚИДА БОР ҲАҚИҚАТ» (**«ВСЯ ПРАВДА О ЛЮБВИ»**)

Элис эрининг садоқатини синаб кўрмокчи бўлади. У синглиси билан гаров ўйнаб, турмуш ўртоғига Севишганлар кунида номаълум қиз номидан севги изҳор этиб мактуб йўллайди. Буни қарангки, эри ишқ номаси олганини Элисдан сир тулади.

Роллара: Женнифер Лав Хью-



НТВ, жума
22.50 «ШМИДТ ҲАҚИДА» (**«О ШМИДТЕ»**)

Уоррен Шмидт суғурта бизнеси билан шуғулланади. У иирик компаниянинг вице – президенти даражасигача етади. Аммо вақти келиб кексайгач пенсияга чиқади. Эртаси куни эрталаб соат еттида кўзини очади-ю, энди эрта туришга ҳожат йўқлигини эслайди...

Ролларда: Жек Николсон, Кэти Бэйтс, Хоуп Дэвис.



«БИРИНЧИ» канал, якшанба
17.55 «МАЛИКА БЎЛИШ ОСОНМИ?» (**«КАК СТАТЬ ПРИНЦЕССОЙ»**)

Кечагина 15 ёшли Миа Термолис одатдаги уятчан қиз эди. Бугун эса у – малика, Европадаги кичик князликнинг хукмдори бўлган мархум отасининг ягона меросхўри. Энди Миа янги қариндошлари билан танишиш учун Европа сари йўл олади ва қиролича Клариссанинг чангалига тушади.

Ролларда: Жули Эндрюс, Энн Хэтауэй, Гектор Элизондо.



ДУШАНБА, 12

«Ўзбекистон» телеканали

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлинома». 8.50 Олтин мерос.
«Ез - ўтмоқда соз»:
8.55 «Сеҳрланган киз». Болалар учун фильм.
10.35 «Алломиши изидан». Видеофильм. 1-қисм.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!»
11.20 «Одами эрсанг...»
11.40 «Муқаддас таҳтизар». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
12.35 «Муқаддас таҳтизар». Спектакль. 2-қисм.
13.30 «Рангин дунё».
13.50 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Ўзбегим ўғлонлари».
16.20 «Олтин бешик». Болалар сайдераси.
16.50 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.45 «Оҳанглар оғушида».
18.00 «Умр дафтари». 1-қисм.
18.20 «Ўч». Видеофильм. 1-қисм.
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «Омон бўлинг!»
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.
21.00 «Ахборот».
21.40 Эркин мавзу.
22.00 «Ез ифори». Телесериал.
23.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Фойиб бўлган кема сири». 1-қисм.
23.45-23.50 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканали

15.55 Дастурнинг очилиши.
16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.15 Болажон.
16.30 Ёшлар овози.
16.50 Афсона ва хақиқат.
17.40 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
17.55 «Скарлетт». Бадиий фильм 1-қисм.
18.45 UzEX хабарлари (рус тилида)
19.00 Давр.
19.40 CINEMANIYA.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 Ракурс.
20.25 UzEX хабарлари.
20.35 Ёшлар куйлаганда.
21.00 «Бўрилар орасидаги рақс». Бадиий фильм 1-қисм.
21.50 Ватан хақида ўйлар.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.40 Кўнгил таронаси.

22.50 «Ёлғон асираси». Телесериал.
23.35 – 23.40 Орзулар бекати.

«Тошкент» телеканали

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 «Болажонлар экранни».
18.30 «Пойтахт». (рус).
18.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Хужжатли телесериал.
19.15 2006 йил-Хомийлар ва шифокорлар йили: «Саломат бўлинг». (рус).
19.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Камила». Телесериал.
20.45, 21.20 «Телекуръер маркет».
21.00 «Оқшом наволари».
21.30 «Журналист таҳлили».
21.55 «Оролга сайд». Бадиий фильм.
23.15-23.20 «Хайрли тун, шахрим».

«Sport» телеканали

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 «Болалар спорти».
8.35 Мультфильм.
8.45 «Гора самоцветов». Мультфильм.
9.00 «Хабарлар» (узб. тилида).
9.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъял»-«Андижан».
10.00-10.50 Иккинчи Республика Аёллар спартакиадаси.
17.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. «Австралия – Япония». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади (Танаффусда «Хабарлар» (Рус тилида))
20.00 «Вести».
20.20 «Спортивиз маликалари».
20.35 Жаҳон чемпионати-2006 кундалиги.
21.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. «АҚШ - Чехия». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади (Танаффусда «Хабарлар» (узб тилида)).
23.00 «Кавалеры морской звезды». Сериал.
0.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. «Италия - Гана». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. (Танаффусда «Тет-а-тет»)
2.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

17.00 Хит-парад плюс»
18.00 «Звёздные войны». Фильм.
18.20 Мусикий лаҳзалар
18.40 Худудий телестанциялар тақдим этади
19.00 Ошиқона
19.40, 21.45 Телехамкор
20.00 Мусикий табассум
21.00 «София, дай мне время», сериал
21.55 Мусикий табассум
22.25 НТТ ижтимоий лойиҳалари
22.30 «Қашқирлар макони», сериал

«Первый»

5.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой»
5.20 Фильм «Корпус генерала Шубникова»
6.55 Слово пастыря
7.10 «Играй, гармонь любимая!»
7.40 Концерт «Служу России!»
8.45 «Гора самоцветов»
9.00, 11.00, 13.00, 17.00 Новости
9.10 «Время собирать камни»
11.10 Фильм «Холодное лето пятьдесят третьего...»
13.10 Кремль. Церемония вручения Государственных премий Российской Федерации.
13.50 «Звезды эфира»
14.20 Фильм «Пятьдесят на пятьдесят»
16.00 Концерт «Все могут короли»
Тошкент давлат Шарқшунослик институти томонидан 2003 йилда Ходжаева Шаҳноза Собировна номига берилган В серияли 121492 рақамили бакалавр дипломи йўқолгани учун

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«МАЊОЛАР МАҲЗАНИ»

ОТ ЁВВОЙИСИ – ҚУЛОН, ЭЧКИ ЁВВОЙИСИ – ҚУРАЛАЙ, ОДАМ ЁВВОЙИСИ – БАРЗАНГИ

(Барзангি – давангирдай, ҳайратли, бесўнақай, қоп-қора, суяги бузук одам.) «Барзангি» деганда, кўп ҳолларда: гавдаси катта, ҳайрати зўр, кучи кўп-у, аммо бирор ишга бўйин ёр бермайдиган, қайишмайдиган, «бу ердаги чўпни у ера олиб кўймайдиган», «қўлинни совук сувга урмайдиган», ўта дангаса, «тўнка», «хўқиз» деб лъяннатланадиган одамни назарда тутадилар. Мазкур мақолни шундай одамларга нисбатан ачичик киноя, заҳарханда билан айтадилар.

ОТ ОЙЛИГИНИ ЎЙЛАР, ТУЯ – ЙИЛЛИГИН

Вариант: «От ойлигин ўйлади, тuya йиллигин ўйлади, эшак оёқ остин ўйлади». Бу мақолларни узоқни кўра олмайдиган, эртанги куни, келажаги ҳақида ўйлаб, бош қотириб ҳам ўтирайдиган, калтабин, калтафаҳм, дангаса, ялқовларга нисбатан кўллайдилар.

ОТ ОРИКЛИКДА, ЙИГИТ ФАРИБЛИКДА

Вариант: «Отни оригандада кўр, йигитни – қаригандада»; «От ориклида кўрим-

сиз, қиз – етимлиқда»; «Отни ориклида сина, қизни – етимлиқда»; «Орик отга чўп илашмас»; «Орик отга чанг юқар». Бу мақолларни: «Камбағал, гариф, бева-бечоралар, етим-есирлар озғин, ҳорғин, касалманд, хунук, кўримсиз бўлади, уларга бирор фойда йўлиқмайди, бор бўлса ҳам юқмайди, баҳтиқбол кулиб бўқмайди, ҳол-ахволи баттар бўлгандан баттар бўлиб бораверади», деган маънода, уларнинг аянчили ахволига ачиниш мақомида кўлланлар.

ОТ САФАРДА БИЛИНАР, ЁТ – ЕЯРДА

Бу билан: «Отнинг яхши-ёмонлиги сафарда билинади. Сенга ёт, бегона, нотаниш, йўлда қўшилиб ҳамроҳ бўлган одам егулик-ичгулигинг боридагина (умуман, бирор фойданг тегиб турганидагина) яхши гапириб, ҳамроҳ бўлиб юради, фойданг тегмай қолди дегунча, сендан юз ўгириб кетади, хеч вақтда сенга содик, вафодор дўсту биродар бўлмайди. Шунинг учун кимнинг қандайлигини билиб, синаб, ундан кейин у билан тегишли муомалада бўл», деган маънода насиҳат қиладилар. Мазкур фикрни ва юқорида мақолни кувватловчи: «Ёф ичганда ёт яхши, қон ичганда – қариндош» деган мақол ҳам бор.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



КЎЙ. 21 марта – 20 апреля

Ушбу ҳафтада ажойиб инсонлар билан танишасиз. Анчадан бери кўринмай қолган дўстларингиз йўқлаши мумкин. Ҳаётингизда рўй берадиган воқеалар белгиланган режаларга ижобий таъсир кўрсатади.

СИГИР. 21 апрель – 20 май

Сиз кўрсатган ташаббусларни учун хушламай қарши олган ҳамкасларингиз вакт ўтгач кўллаб-кувватлашади. Талайгина муаммоларни ҳал этишга муваффақ бўласиз. Атрофдагилар эмас, факат ўз куч-кувватингизга таяниб иш кўринг.

ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь

Ҳафта давомидаги учрашув ва музокаралар муваффақиятли ўтади. Агар миянгизда яхши ғоялар туғилса дарҳол ҳаётга жорий этишингиз максадга мувоғикдир. Ҳужжатлар билан ишлаганда ниҳоятда эҳтиёт бўлишини маслаҳат берамиз. Чунки уларни йўқотиб кўйишингиз эҳтимолдан холи эмас.

ҚИСКИЧБАҚА. 22 июня – 22 июля

Мазкур ҳафта да дўстлар ва яқинларингизга ёрдам кулини чўзсангиз руҳингиз тетикилашиб, ишларингиз янада юришади. Амалий шериклар билан яқин алоқа ўрнатиш, навбатдаги ҳамкорлик ҳақида келишиб олиш ва сафарларга бориши имконияти бор. Шунни ёдда тутингни, омад сиз томонда.



АРСЛОН. 23 июля – 23 августа

Ҳаётга теран қарашингиз янги имкониятларни юзага келтиради. Мавқеингизни яхшилаш билан боғлиқ ишларга жиддий муносабатда бўлишингиз зарур. Ҳафтанинг охирига бориб раҳбарингиз сизни ташвишга колаётган масалалар хусусида сухбатлашади.

БОШОҚ. 24 августа – 23 сентября

Ушбу ҳафта да бажараётган ишингиз бўйича ютуқларга эришасиз. Айрим муаммолар ҳам юзага келиши мумкин. Ўз ҳақлигингизни исботлаш учун кўп саъй-ҳаракат килишингизга тўғри келади.



ТАРОЗИ. 24 сентября – 23 октября

Дастлабки кунлар вақтингизни бирор янги соҳани ўрганишга сарфлаганинг маъқул. Фикр-мулоҳазаларингизни кўпчилик ўтасида ошкора айтишдан асло чўчиманг. Одамлар билан мулокот сиз ўйланадан ҳам осон кечади. Якшанба куни асосий вақтингизни дўстлар даврасида ўтказасиз.

ЧАЁН. 24 октября – 22 ноября

Ҳар қандай вазиятда ҳам тушкунликка тушманг. Акс холда омад юз ўгириши хеч гап эмас. Раҳбарлар билан сухбатлаётганда мумала маданияти мухим аҳамият касб этиши ёдингизда турсин. Якинларингиздан бири ёрдамга муҳтож, аммо у таклифингизни кутаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.



ЁЙ. 23 ноября – 21 декабря

Юзага келган тўсикларни енгишда хотиржамлик, танлаган йўлингиз ва ўз кучингизга ишонч катта аҳамият касб этади. Бирор киши вайда берса бу нечоғли тўғри эканлигини орқаваротдан текшириб кўриши маслаҳат берамиз. Дам олиш кунлари ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабря – 20 января

Ушбу ҳафта да ишлар кўпайиб кетади. Миянгизда талайгина ғоялар туғилиши мумкин. Юқори идораларда сизнинг ҳаётингиз билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинади. Хонадонингизни тартибга келтиришга вақт ажратинг.



КОБФА. 21 января – 20 февраля

Кўтаринки кайфият туфайли ютуқларга эришиб, кўпчилик эътиборини қозонасиз. Бирок айрим масалалар кийинчилек билан ҳал этилади. Бунинг учун кўп саъй-ҳаракат қилишингиз зарур. Шанба куни фарзандларингиз билан бирга ўтказишингиз бир олам кувонч келтиради.

БАЛИҚ. 21 февраля – 20 марта

Мазкур ҳафта да кўзланган максадга эришиш ва аввалги хатоларни тақрорламаслик учун эҳтиросларга бер

Яқиндагина ўтказилган республика мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» мусобақаларига мезбонлик қилган Қарши шахрида кечаки яна бир нуфузли спорт тадбирига старт берилди. 12 шонгача давом этадиган республика хотин-қизларнинг анъанавий спартакиадаси бўлиб ўтди.

АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Мамлакатимиз вилоятларидан келган спортчи аёллар волейбол, стритбол, стол тениси, сузиш, шахмат-шашка, енгил атлетика, арқон тортиш турлари бўйича баҳс олиб боришияпти.

Мусобақалар давомида жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис, осойишталик посблонлари ушбу тадбирини муваффақиятли, тинч, осуда ўтиши учун кенг жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигида иш олиб боришмоқда.

З. ШЕРНАЕВ,
сержант.

ТЕНГ КУРАШЛАР ОСТИДА

Қашқадарё вилояти ИИБ «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамоияти томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар шинни»да шахсий таркибнинг жисмоний тайёрларигини янада яхшилаш, узарнинг соглом, бакувват бўлишиларини таъминлаш мақсадидо бир қатор спорт мусобақалари ўтказиб келишимоқда. Яқинда ҳуқуқ тартиббот идоралари ходимлари футбол жамоалари ўртасида «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамоияти биринчилиги мусобақаси ўтказилиди.

Шу йилнинг 10 июнь кунига қадар давом этадиган мазкур спорт мусобақасида 28ta жамоа 8 гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синаяши. Дастлабки учрашувларданоқ вилоят ИИБ, МХХ, Қарши шахар ИИБ, ЖИЭБ футбол жамоалари юқори ўринларга дайвогарлик қилишиди.

Б. ЭРГАШЕВ,
лейтенант.

ФАХРИЙЛАР БЕЛЛАШУВИ

Яқинда Урганч шаҳрида Хоразм вилоят ИИБ раҳбариятига ташаббуси билан марҳум подполковник Раҳимберган Каримов хотирасига бағишланган шашка бўйича ички ишлар хизмати фахрийлари мусобақаси бўлиб ўтди.




Тадбирни Хоразм вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Баҳодир Раҳимов очиб, Раҳимберган Каримовнинг хизмат фаолияти мобайнида амалга оширган хайрли ишларига тўхтади. Шундан сўнг фахрийлар ўртасида шашка бўйича хотира турнири бошланди. Қизғин ва мурасасиз ўтган бу беллашувида истеъфодаги подполковник Озод Шамсиддинов биринчи, истеъфодаги полковник Исмоид Рўзметов иккичи ҳамда истеъфодаги майор Комил Тожиев учинчи ўринни эгалашди. Голиблар вилоят ИИБнинг қўймамтбаҳо совғалари билан тақдирландиляр.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Суратда: вилоят ИИБ ЙҲҲБ фахрийлари шашка бўйича ўзаро куч синаяшилар.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

ФУТБОЛ – МИЛЛИОНЛАР НИГОХИДА

Кўплаб футбол ишқибозларининг талаб ва истаклари ни инобатга олиб, бугунги «Спорт» саҳифамизда Жаҳон чемпионатида иштирок этаётган, барча 32 терма жамоа ҳақида қисқача статистик маълумот беришга қарор қилдик.



FIFA

Давлат	ЖЧдаги иштироки	Энг юқори кўрсаткичи	Бош мураббий	Юлдуз ўйинчиси	Кийинмининг ранги	Иккичи номи
Германия	16 марта	1954, 1974, 1990 йилларда чемпион	Юрген Клинсманн	Михаэль Баллак	футболкаси – оқ, шорти – қора	«бундестим» («федераль жамоа»)
Коста-Рика	3 марта	1990 йилда 1/8 финалчи.	Алешандре Гимараэс	Пауло Ванчопе	футболкаси – қизил, шорти – кўк.	Ticos (костарикилар).
Польша	7 марта	1974 ва 1982 йиллarda 3-ўрин.	Павел Янас	Ежи Дудек	футболкаси – оқ, шорти – қизил.	«оқ-қизил» (байроқ ранги бўйича).
Эквадор	2 марта	—	Луис Фернандо Суарес	Иван Уртадо	футболкаси – оқ, шорти – кўк.	«амарилос» («сарик»).
Англия	12 марта	1966 йилда чемпион бўлган.	Свен-Ёран Эрикссон	Дэвид Бэкхем	футболкаси – оқ, шорти – кўк.	«уч шер» (ассоциация герби).
Парагвай	7 марта	уч марта 1/8 финалга чиқкан.	Анибал Руис	Хаэдо Вальдес	футболкаси – қизил-оқ, шорти – кўк.	«гуарани» (Парагвай қабиласи).
Швеция	11 марта	1958 йил финалчиси.	Ларс Лагербак	Хенрик Ларссон	футболкаси – сарик, шорти – кўк.	«уч тож» (Швеция герби).
Тринидад ва Тобаго	1 марта	—	Лео Беенхаккер	Дуайт Йорк	футболкаси – қизил, шорти – қора.	«тростник жангчилари».
Аргентина	14 марта	1978, 1986 йилларда чемпион бўлган.	Хосе Пекерман	Хавьер Савиола	футболкаси – оқ-ҳаворанг шорти – қора.	«оқ-лазурлилар» (байроқ рангидан).
Голландия	8 марта	1974 ва 1978 йиллар финалчиси.	Марко ван Бастен	Рууд ван Нистелой	футболкаси – алвон-оқ, шорти – оқ.	«тўқ сариқлар» (қироллик сулоласи ранглари).
Сербия ва Черногория	10 марта	1930 йилда 1/2 финалчisi.	Илия Петкович	Саво Милошевич	футболкаси – кўк, шорти – оқ.	«плави» («кўк»).
Кот-д'Ивуар	1 марта	—	Анри Мишель	Дидье Дрогба	футболкаси – лимонранг, шорти – лимонранг	«филлар».
Португалия	4 марта	1966 йилда 3-ўрин.	Луис Фелипе Сколари	Луиш Фигу	футболкаси – қизил, шорти – қизил.	«куинас» (Португалия герби).
Мексика	13 марта	1970 ва 1986 йиллар 1/4 финалчisi.	Рикардо Ла Вольте	Рафаэль Маркес	футболкаси – яшил, шорти – оқ.	«бўрилар».
Эрон	3 марта	—	Бранко Петкович	Али Карими	футболкаси – оқ, шорти – оқ.	«тим эх мэлли» («миллий жамоа»)
Ангола	1 марта	—	Луис Оливейра Гонсалвес	Фабрис Аква	футболкаси – қизил, шорти – қора.	«қора антилопалар».
Италия	16 марта	1934, 1938, 1982 йиллар чемпиони.	Марчелло Липпи	Аlessandro Дель Пьери	футболкаси – кўк, шорти – оқ.	«скуадра адзура» («ҳаворанг эскадра»).
Чехия	9 марта	1934 ва 1962 йиллар финалчisi.	Карел Брюнкер	Павел Недвед	футболкаси – қизил, шорти – оқ.	«локомотивчилар»
АҚШ	8 марта	1930 йил ярим финалчisi.	Брюс Арене	Кейси Келлер	футболкаси – оқ, шорти – кўк.	«янки», («юлдузли йўл-йўллар»).
Гана	1 марта	—	Радомир Дуйкович	Микаэль Эссьен	футболкаси – сарик, шорти – оқ.	«қора юлдузлар»
Бразилия	18 марта	1958, 1962, 1970, 1994, 2002 йиллар чемпиони.	Карлос Паррейра	Роналдиньо	футболкаси – сарик, шорти – кўк.	«канарейкалар» (футболка ранги).
Хорватия	3 марта	1998 йилда 3-ўрин.	Златко Кранчар	Ивица Олич	футболкаси – қизил-оқ (катак) шорти – оқ.	«аланталилар».
Австралия	2 марта	—	Гуус Хиддинк	Марк Видука	футболкаси – сарик, шорти – яшил.	Socceroos
Япония	3 марта	2002 йил 1/8 финалчisi.	Зико	Хидетоши Наката	футболкаси – кўк, шорти – оқ.	«қарғалар» (жамоа тимсоли бўйича).
Швейцария	8 марта	1934, 1938, 1954 йиллар 1/4 финалчisi.	Коби Кун	Александр Фрай	футболкаси – қизил, шорти – оқ.	(«миллий жамоа»).
Жанубий Корея	7 марта	2002 йилда 4-ўрин.	Дик Адвокаат	Пак Чжи Сун	футболкаси – қизил, шорти – оқ.	«Тхэгикка жангчилари».
Франция	12 марта	1998 йилда чемпион бўлган.	Раймон Доменек	Зайнидди Зидан	футболкаси – кўк, шорти – оқ.	«кўк».
Того	1 марта	—	Отто Пфистер	Эммануэль Адебайор	футболкаси – сарик, шорти – яшил.	«қиргийлар».
Испания	12 марта	1950 йилда 4-ўрин.	Луис Арагонес	Рауль Гонсалес	футболкаси – қизил, шорти – кўк.	«қизиқонлар».
Украина	1 марта	—	Олег Блохин	Андрей Шевченко	футболкаси – сарик-кўк шорти – сарик.	«жовто-блакитные» (украинча сарик-ҳаворанг маъносилада).
Саудия Арабистони	4 марта	1994 йилда 1/8 финалчisi.	Маркос Пакета	Сами Аль-Жабер	футболкаси – оқ, шорти – оқ.	«лочинлар», «саҳро болалари».
Тунис	4 марта	—	Роже Лемерр	Раджи Жаиди	футболкаси – оқ, шорти – оқ.	«Карфаген бўргутларин».

ХАР ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОР



САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

Тошкент шаҳридаги
17-клиник шифохона
асаб касалларни
бўлими бошлиги Комил-
жон ҚОБУЛОВ мушта-
рийларнинг саволлари-
га жавоб беради.

— Уйқу — инсон
организмидаги даврий юз
берадиган умумбиологик
ва физиологик эҳтиёждир. Уйқу пайтида
бутун организмнинг
функционал бузилиши
марказий асаб тизимининг
иш қобилияти тикланади.

Одам ухлагандаги мус-
куллар бўшашиб, сезувчани
барча турла-
ри
кўриш, эшиши,
тъэм билиш, ҳид
сезиш кучизланади.

Шартли ва шартсиз
рефлекслар тормозла-
нади. Юрак уриши се-
кинлашиб, артериал
қон босими, тўқима-
ларга қон келиши,
моддалар алмашини-
ви, тана ҳарорати паст
бўлади. Бу эса ухлаётган
одамнинг мияси билан
бир қаторда ҳужайра-
лар, тўқималар ва ҳаёт
фаолиятини таъмин-
ловчи ҳамма ички аъзо-
ларининг дам олишини
таъминлайди.

Секин уйқуга кетиши
тунги уйқунинг 75-80
фоизини, тез ухлаш эса
20-25 фоизини ташкил
этади. Тез ва секин уй-
қуга кетишининг нав-
батма-навбат бўлиши
соғлом одамга хос
бўлиб, бундай одамлар
уйқуга қонганд ва бар-
дам бўладилар.

Уйқу бузилишига

кўп ухлаш (гиперсом-
ний) ва уйқусизлик са-
баб бўлади. Уйқучанлар
офир юқумли касаллар
— тошмали терла-
ма, менингит, трипп
каби хасталикларга ча-
лингандарда, камқон-
лика, бош мия яллиг-
ланишидан келиб чиқ-
қан асаб тизимининг
функционал бузилиши
ларидаги юз беради.

Уйқусизлик одамлар-
да кўп учрайди ва

кўпинча касалликлар

туфайли келиб чиқади.

Айримлар қуш уйқу

Ирсий, ёшлик, гўдак-
ликдаги баъзи касал-
лар асаб тизими, бош мия шикастлани-
ши кабилар уйқунинг
батамом бузилишига
сабаб бўлиши мумкин.
Невроз, алкогольизмда
эса уйқу бузилиши асо-
сий белги ҳисобланади.
Бундан ташқари тунги
иш, кечаси кўп ўқиш,
руҳий зўриқиши, ҳаяжонланиш, ётади-
ган жойнинг ноқулай-
лиги, бирор касаллик-
нинг бошланиши уй-
кунинг бузилиши мумкин.

ринчи навбатда унинг
сабабларини аниқлаш
лозим. Лекин уйқу до-
риларини истеъмол
қилиш охирги чора
эканлигини унутмаслик
керак. Агар ноҳуш воқе-
алар, қаттиқ чарча тү-
файли уйқусизлик юз
берган бўлса, у ўз-ўзи-
дан тикланади. Бунинг
учун ҳар куни маълум
бир вақтда ётишдан ол-
дин оёққа иссиқ (илик)
ванна қабул қилиш ке-
рак. Ҳаяжонланиш,
асаб бузадиган суҳбат-
лар, кўрқинчли фильм

кўриш,

китоб

ўқиш,

жанжал,

шовқин-

сурон ка-

билар уй-

кусизликка сабаб бўла-
ди. Кучли асаб бузили-
шига, руҳий зўриқиши,
ҳаяжонланишга дуч
келингандаги уйқуга
ётишдан олдин тоза
ҳавода сайр қилиш,
асал, шакар, новвот
каби шириналлар со-
лингандаги иссиқ сут ёки
сувни аста-секин ичиш
лозим. Ўн дақиқагача
илиқ ванна қабул
қилиш ҳам яхши нати-
жа беради. Шундан ке-
йин ҳам уйқу нормал
ҳолга келмаса, шифо-
корга мурожаат қилиш
зарур. Чунки бундай
ҳолда уйқусизлик би-
рорта касаллик оқиба-
тида келиб чиқсан
бўлиши мумкин.

УЙҚУСИЗЛИК ҲАҚИДА

бўлиши, тонгда эса
умуман уйғониб ке-
тиши, гоҳида миж-
жа қоқмай чиқиши
мумкин. Бу ҳолат-
ларни бир сўз билан
нотинч уйқусизлик
деб аташ мумкин.

Айрим кишилар уй-
қуга тўймасликдан ши-
коят қиласидар. Бироқ
текширишларда улар 5-
5,5 соат ухлашлари
маълум бўлади. Ваҳо-
ланки, меъёрга уйқу
ҳам 6,5 соат атрофида
бўлади. Шикоят қили-
нишига сабаб эса уйқу
маромининг ёмонлиги-
дир.

Тунги меъёрий уй-
қунинг турли хил са-
баблар билан бузилиши
уйқусизлик, инсом-
ния, агривния деб ата-
лади. Бу узоқ вақт ух-
лай олмаслик, бевакт
ёки, тун давомида тез-
тез уйғониш, уйқунинг
(тунда) батамом йўқо-
либ кетиши демакдир.

«Хурматли
таҳририят! Эшиши-
шишимизча, уйқу бир неча
турга бўлинар экан. Уйқу-
сизлик ва унинг сабаблари
тўғрисида ҳам билишни
истардик.
С. Бурхонова,
Н. Этамбердиева,
Наманган
вилояти.»

Ёши анчага борган ва
кекса одамлар чуқур,
узоқ ухлай олишмайди.
Сабаби, бу ёшдаги
киши организмининг
физиологик хусусият-
лари шуни тақозо
қиласди.

Уйқусизликнинг ол-
дин олиш учун би-

ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ...

Уйқусизликда:

- валериана илдизидан тайёрланган настойка уйқусизликда яхши даводир.
- Дўлана баргидан тайёрланган дамла-
ма ҳам шифо бўлади.
- Ошқовоқнинг қайнатмасини асал билан аралаштирилиб, кунига уч маҳал чо-
рак стакандан ичилади.
- Янги узилган кашнични истеъмол қилиш ҳам фойдали.
- Уйқуга ётишдан олдин 5-10 дақиқа
илиқ душ қабул қилиш керак.
- Ётиш олдидан пиёз ейши ҳам фойда
беради.
- Ётиш олдидан ширин сув ичиши тез уйқу
келишига сабаб бўлади.
- Оёқ мушакларига хантал ёпишириш
уйқусизликни даволовчи воситалардан би-
ридир.

ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.

БОДРИНГ ХОСИЯТИ



Бодринг бир йиллик палакли ўсимлик бўлиб, сабзавот тури сифатида истеъмол қилина бошланганига олти минг йилдан ошганлиги айтилади. Унинг ватани — шимоли-шарқий Ҳиндистониди. Одатда тарвуз ва қовун пишган ҳолатида, бодрингнинг эса пишмагани қадрли ва мазалидир. Аммо пишиб этилган бодринг ҳам шифобахш бўлиб, жигар хасталиклари, айниқса, сариқ касаллигига яхши наф келтиради.

Бодринг таркибининг 95-98 фоизи сувдан иборат. У тоза мусаффо сув сифатида эътироф этилади. Агар инсон қаттиқ, яъни крандан оқадиган сув истеъмол қиласа, қон томирларининг деворида ноорганик моддалар тўпланиб қолади. Бодринг уни ювиб туширади. Бу табиий пешоб ҳайдовчи воситадир. Айни вақтда бўғин ва бод касалликларини даволашда эм бўлади.

Бодринг, сабзи ва лавлаги (қизилча) ширалари билан аралашмаси ўт пуфаги(сафро), жигар, буйрак ва бошқа аъзоларни тозаловчи омил бўла олади. Унинг таркибидаги пектинлар ошқозон-ичак фоалиятини яхшилайди ва холестеринни танадан ҳайдаб чиқарди. Шунингдек, калий, кремний каби моддаларнинг борлиги тери, соч, тишларни соглом ҳолатда саклаш ва касалликларнинг олдини олишида аҳамияти бекиёсdir. Енгил ҳазм бўладиган йод ҳам мавжудлиги боис, уни кўп истеъмол қилинса, қалқонсизон бези касалликларига чалинмайди.

Шуниси қизиқки, унинг гуллари ҳам шифодир. Гулларининг қайнатмаси безгакни даволашда қўлланилади. Бодринг таом ҳазм қилишда, айниқса, оқсилли озиқларни парчалашда нафи кўп. Гўштили таомларнинг бодрингли салатлар билан дастурхонга тортилиши сабаби ҳам ана шунда.

Бодринг таркибида карбон сувлари, оқсил, темир, фосфор, каротин, В1, С(аскорбин кислотаси) каби дармондори ва бошқа моддалар жо бўлган. Шулар туфайли бир қатор хасталикларни даволашда тавсия этилади. Бодринг иштаҳани очади, ёѓлар ва оқсилларни сўрилишида ёрдам беради. У сурги дори сифатида ҳам ишлатилади. Айниқса, сурункали қабзиятда кони фойда.

Халқ табобатида янги шираси асабни тинчлантирувчи, ошқозон-ичак хуружида оғриқ қолдирувчи воситадир. Унинг ширасини асалга аралаштириб, истеъмол қилинса юқори нафас йўллари ва йўталда даво бўлади.

Бунда 3 ош қошиқдан 3 маҳал ичилади. Майдланган бодринг терининг кўйган жойига кўйилса малҳам бўлади. Бодринг шираси ва сувлаги дамламаси (кўкиш қобиги билан) юзадаги баъзи пигментсимон додларни кетказишида қўлланилади. Яна шуни қайд этиш керакки, бодринг косметика — хушрўй-парварликда оқартириш ва тозалашда ишлатилган.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ.

[Давоми. Боши ўтган сонда]

2003 йил 5 ноябрь куни соат 15:00 ларда О. Ҳамидов Баҳодир Қурбоновга тегишили, давлат рақами сиз «ГАЗ-31» русумли автомашинада Бакирни Мұхитдин Шамсиев яшайдын уйни күрсатиб келиш учун «Қорача» қышлогига олиб борди. Манзилни ўрганиб, эътибор берилиши зарур бўлган жойларни эслаб қайтишгач, Бакир эҳтиёткорлик юзасидан сўради:

- Шамсиев қандай одам ўзи, кексами, ёшли?

- Бокс билан шуғулланган, бақувват, муштлашса бир одамга кучи етади, - деб у ҳақда аникроқ маълумот берди О. Ҳамидов.

- Унда отиш керак, шеригим билан гаплашай...

Нафс деган бало кишини не кўйларга солмайди, дейсиз. Аслида Обид Ҳамидовга собиқ раис ҳам, бош мұхандис Мұхитдин Шамсиев ҳам керак эмас эди. У имкон борида бир нарсали бўлиб қолишига интиларди. Шу куни соат 19:00 да О. Ҳамидов Бакирнинг ўйига борди. Кўп ўтмай ўюшган гурух раҳбари Валишер Омонов ҳам етиб келди.

Суҳбат қисқа бўлди. Валишер хизмат ҳақи камлигига шамъя қилиб, яна юз минг қўшишни сўради. Обид савдолашмай, дарров рози бўлди. Шундай қилиб, Мұхитдин Шамсиевни отиб ўлдириш 300 минг сўмга баҳоланди. Тофни урса талқон қолишига қодир йигитлар ўзлари танимаган ва билмаган кишининг жонига қасд қилиш учун 150 минг сўмдан олишга келишилар.

Улар зудлик билан қотиллик режасини тушиб, бажарилиши лозим бўлган вазифаларни тақсимлаб олишди. Шу куни ёқ қирқма милтиқ билан қуролланган гурух Б. Қурбоновга тегишили машинада «Қорача» қышлогига етиб келди. Обид шерикларини 600 метр нарида кутиб турди.

Амалга оширилаётган қотиллик режасини қай даржада пухта ўйланган эди? Буни ҳукуқ-тартибот ходимларига ҳавола этиб, шунни таъкидламоқчимизки, раис Баҳодир Қурбонов билан бош мұхандис Мұхитдин Шамсиев ўртасидаги зиддиятдан кўпчилик хабардор эди. М. Шамсиев Баҳодир Қурбоновнинг раислик фоалияти давомида йўл кўйган ва узлуксиз давом эттирган ноқонуний ҳаракатлари тўғрисида юқори идора-

ларга ёзиб маълум қилди. Башқалар сукут сақлаб, лоқайдликни афзал билишганида у жим туролмади. Ва бунинг натижасида Баҳодир Қурбоновнинг жиноий қилмишлари ошкор бўлди. Раислик лавозимидан кетди. Унга нисбатан жиноий иш кўзғатилди... Энди бир мулоҳаза қиласлил. Билган билмаганнинг назарида «ёзувчи» деган маломат олган Мұхитдин Шамсиев ҳам бошқалар қатори ўз тинчини ўйлаб, томошабин бўлиб турганида бал-

ган. Ўйда яширинча қурол сақлаган.

... Бемаҳалда тақијллаган дарвоза Мұхитдин Шамсиевда шубҳа ўйғотди. Ким бўлиши мумкин? У хавотир билан дарвозага яқинлашар экан:

- Ким? - деб овозини баландлатди. Ташқаридан:

- Амаки, Зафар табелчининг ўйи қаерда, илтимос, айтольмайсизми? - деган нотаниш овоз шубҳасини баттар ошириди.

- Пухталик қилди, ташқарига чиқмади, отолмади! - деди асабий. Улар машинага чиқишигач, жавоб кутиб турган Обидга:

- Бўлмади, - деди Валишер қисқа қилиб.

- Чорасини топаман, - деди Обид йигитларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилиб. - Эртага Шамсиевнинг ўйда ким бўлишини аниқлайман. Хотини касалхонада ишлади. Навбатчилигини кутамиз.

ни билишмасди.

Ичкари хонада Шамсиев чўзилиб ётарди. Валишер сас чиқармай, эҳтиёткорлик билан унга яқинлашди. Бакир ортида кўз-кулоқ бўлиб турди. Ажал шарпасини сезгандек, Шамсиев тўсатдан қимирлай бошлади. Валишер вақтни бой бермай унинг ўнг чаккасига милитиқни тираб, тепкини босди. Шамсиев бутун гавдаси билан қалқиб тушди.

кутурсам розиман, деди Қурбонов ичиди. Ишқилиб, сир очилмаса бўлганини.

Тагида машина, қўлида хужжатлари билан қайтаётган Обиддинг оғзи кулоғида эди. Мана, ниҳоят ниятига етди. Ўйда ухлаб ётган бир бегуноҳ инсоннинг ўлимига сабабчи бўлиб, уч боласини етим қолдириб эга бўлган машинаси неча кун, қанча муддатга татиши? Бу ҳақда ўйламасди у.

* * *

Суд жараёнида судланувчи Валижон Омонов, Бакир Шамиловнинг аввал содир этган жиноятлари ҳам биринкетин очила бошлади. Чунки кўплаб фуқаролар ва судланувчиларнинг яқинлари гувоҳлик бериши. Б. Қурбонов, О. Ҳамидов, В. Омонов, Б. Шамиловларнинг айби жиноят ишида мавжуд бўлган ва суд томонидан тексирилган

далиллар асосида ўз тасдиини топса-да, айбланувчилар жиноий жавобгарликни енгиллашириш нијатида турли баҳоналар тўқидилар. Бир-бирларини кўллаш, айбларини яшириш учун ёлғон кўрсатмалар беришга уринишиди. Ҳатто улар ички ишлар ходимларига туҳмат қилишдан ҳам тойишмади.

Судлов ҳайъати судланувчиларнинг важларини муҳокама қилиб, ишончга сазовор эмас, деган тўхтамга келди. Ниҳоят, ушбу жиноят иши юзасидан ҳукм ўқилди. Суд Баҳодир Қурбонов ва Валишер Омоновни 18 йилдан, Бакир Шамиловни 17 йил, Обиджон Ҳамидовни 16 йилга озодликдан маҳрум этиди.

Суд ҳукмига кўра Ибн Сино ширкат хўжалигига етказилгани заарарнинг қопланмаган 1.644.930 сўми, шунингдек, «ГАЗ-31029» русумли автомашина учун 8.510.713 сўм божхона тўловлари Баҳодир Қурбоновдан давлат фойдасига ундириладиган бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, суд томонидан тайинланган жазо кимгadir оз, кимгadir кўпдек туюлиши мумкин. Бу ҳеч қаҷон бирорининг жони ёки кесиб ташланган аъзоси ўрнини босолмайди. Жазо, аслида айбордиларнинг хис қилиш, хужжатларда қонуний муҳрлаш, кимлигингни, қилмишингни ўзингта ва ўзгаларга ошкор этишидир. Ҳаётда бундан оғир жазо бўлмаса керак.

Облокуп АЗИМОВ,
Навоий вилоят прокурорининг биринчи ўринbosari.
Ражаббой РАУПОВ,

ЁКИ УНИ КИМЛАР ВА НИМА МАҚСАДДА ЁЛЛАШГАНИ ҲАҚИДА

ки жони омон қолармиди? Баҳодир Қурбоновчи, у яна жиноий ҳаракатларини давом эттириб юраверармиди? Хўжаликка раис бўлгунича ҳам у кўп қонунсиз ишларга бош бўлгани, муқаддам вилоят судининг ҳукми билан озодликдан маҳрум этилиб, икки марта Амнистия кўлланиб, жазодан озод қилинганини бошқалар билмасмиди?

Қотиллик режалаштирилаётган машъум дамларда гурух аъзоларидан ҳеч бирни бу ҳақда ўйламасди. Валишер билан Бакирнинг кўзига олажак 300 минг сўм пул кўринса, Обидни тезроқ машинали бўлгиси келлар, Баҳодир Қурбоновни эса «Шамсиевни ўйда ўлдириб кетишибди!» деган совуқ хабар қизиқтиради. Шу ўринда улошган гурух раҳбари Валишер Омонов ҳақида: 1974 йилда Хатирчи туманида туғилган, ўрта маълумотли, ойлали, уч боланнинг отаси. Ҳеч қаерда ишламайдиган бу йигит меҳнатсиз, енгил-елпи яшаш, осон бойлик ортириш ниятида жиноят йўлини танлаган эди. У Янгиработ шаҳрида яшовчи, жиноят содир қолишига мөйил, жисмонан бақувват Бакир Шамилов билан биргаликда жиноий фаолият олиб бориш ниятида улошган гурухга бирлашган. Ўзгалар мол-мулкини зўравонлик, кўрқитиш йўли билан талон-торож қилиб, қатор жиноятлар содир эт-

Бемаҳалда ҳисобчи-нинг ўйи нега керак бўлиб қолди? - сўради у.

- Талабамиз, Навоийда ўқиймиз, паҳта дегани жонга тегди-ку, ҳисобчи билан гаплашиш керак.

М. Шамсиев унинг гапига ишониб-ишенмай йўл кўрсатган бўлди, аммо эшиқдан ташқарига чиқмади. Дарвозани маҳкамлаб ортига қайтар экан, негадир юрагини вахима босди. Баъзи яқинларининг: «Эҳтиёт бўл, ортигдан одам тушган» деган сўзларини эслади. «Наҳотки шу рост бўлса. Раиснинг иши бу. Мард бўлсанг, ўзингни панага

Эртасига Обид астойдил елиб-юргуди. Шамсиевнинг хотини ўйда бўлмайдиган тунни аниқлаб, шерикларининг кўнглини тинчтиди. 8 ноябрга ўтар кечаси қотилликни амалга ошириш учун учовлон Баҳодир Қурбоновга тегишили машинада «Қорача» қышлоғига йўл олишди. Манзилга етишгач, режага кўра Обид уларни чорраҳада кутиб турди.

Ховлига биринчи бўлиб Валишер Омонов кирди. Ортидан Бакир Шамилов эргашди. Айни дақиқаларда Мұхитдин

У иккинчи марта отмоқчи эди, милтиқ отилмади. Ўқ овозидан ўйгонган боаларнинг каттаси уйдан отилиб чиққан икки кишига кўзи тушди. Отасининг қонга беланиб ётганини кўрдио, амакисини чақиришга юргуди...

Тунда М. Шамсиевнинг туман шифохонасига олиб боришиди. Аммо кўрсатилган барча муолажалар самарасиз кетди, у ҳафта давомида ҳушига келмай касалхонада жон берди.

- Тўхта, кимсан деб баҳирдир ортимиздан кимдир, - деб судда кўрсатма берди Бакир Шамилов. - Биз қочдик. Машина чиқишимиз билан Обид газни босди. Чироқларни ёқмай қишлоқдан узоқлашгач:

- Нима қилдинглар? - деб сўради у.

- Отдим! - деди Валишер хотиржам. Орадан бир ҳафта ўтгач, Обид менга 180 минг сўм ташлаб кетди. Пулнинг 90 мингини Валишерга бердим, қолганини кейинроқ олишга келишидик.

* * *

8 ноябрь куни эрталаб Обид Ҳамидов ҳеч нима билмаган, кўрмаган киши бўлиб буортмачи Баҳодир Қурбоновнинг ўйига борди. Бунгача «Шамсиевни ўйда ўлдириб кетишибди!» деган ваҳимали хабар тарқалган ва бу шов-шув раиснинг кулоғига ҳам етган эди. Ваъда ватъда эди. «ГАЗ-31» нинг хужжатларини Обидга ўз кўли билан топширкан: «Шу билан

олмай очиқласига курашмайсанми? Йўқ, сен бундай қиломайсан, чунки ҳалол одам эмассан, йиққан тўрт танга пулнинг ишонасан...»

Бакир ноилож ортига қайтиди. Тўрт-беш қадам нарида деворга қапишиб турган Валишер остонаяда пойлаб, кузатиб тургани-

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, полковник Д. Рўзиевга падари бузруквори


ХОЛМУРОД отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши полковник

Ҳакимжон ФОЙИБНАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.



**Газетамиз саҳифаларида реклама
ёки эълон беришни истайсизми?**

Марҳамат!

**Мурожаат
учун телефонлар:** **139-73-88**
139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz

Шароф ота пешайвонда ёнбошлаб икки қалдирғочнинг ҳаракатини кузатиб завқланади. Кушлар дам ини атрофида айланади, дам ҳовлидаги симга кўниб, гал бермай сайрашиди.

Яратганинг қудратини қаранг, бир жуфт қуш ҳар баҳорда курган уясини топиб келади. Бола очиб, полапонларини учирма қилиб, кузда яна иссиқ томонларга кетади. Ошён шунчалар азиз. Унинг оҳанграбоси эгасини тортаверади.

Одам ҳам күшга ўхшайди. Мана Шарофнинг ўзи яқинда бўз йигит бўлиб юрганди. Уйланди, уч ўғил, икки қизга ота бўлди. Болалари ўсиб вояга етди, кейин биринкетин уйли, жойли бўлиб кетишиди. Катта ўғли вилюят марказида қайсиидир идорада раҳбар. Ўртanchаси ер қаъридан маъдан излайди. Йilda бир-икки марта келиб турди. Кенжаси чет элда элчихонада ишлайди. Бир қизи шифокор, иккичиси муаллим. Ўзи невараси билан яшайди. Невараси Анваржон-хотини билан тижоратчи. Данғиллама уй солди. Бувасини роса қистади янги уйга кўчиб ўтишга. Шароф ота кўнмади, кампирим билан икковимизга шу пастак уй бўлади, деб туриб олди. Отаси бу уйни қураётганида ёш бола эди. Роса гувала ташиган. Бутун умри шу уйда ўтилти. Бирор жойга меҳмонга бориб ётиб қолса уйқуси келмайди, уйини соғиниб қолади. Невараси ҳовли этагига осмон-фалак қилиб курган уйига чиқиб-тушиш осонми? Ёшларга билинмайди.

Шароф ота шулар ҳақида ўйлаб ёнбошлаб ётганди, бирдан

кушлар безовталаниб, ини атрофида чуғурлашиб айланиб қолишиди. Кейин ҳовлига қараб унишиди. Итлар галати хуриб, тоувқлар баравариға қақолай бошлади. Ота гавдасини кўтариб ултурмаган ҳам эдик, ер силкина бошлади.

Субхоноллоҳи, субхоноллоҳи, – деганча ўтирган жойида калима келтириди.

Уй бир икки қирсиллаб, су-



воқлар ёрилиб, кўчиб тушди. Отадан сал нарига қалдирғоч ини тушиб, иккига бўлинди.

Жониворлар бекорга безовта бўлмаган экан-да, – деди ота инга қараб.

Зилзиланинг қайтиши янада ваҳимали бўлди. «Синч уй – тинч уй деб бежис айтишмаган-да. Сувогининг кўчгани демаса, қылт этмади», – хаёлидан ўтказди уйга назар ташлаб.

Эшикдан шошиб келган Анваржон буваси ва бувисини соғомон-қўриб, кўнгли жойига тушди. Орадан икки соатлар ўтиб катта ўғил етиб келди ва қарияларни шаҳарда олиб кетди.

Шароф ота шаҳардаги ўғлини кида икки қунгина яшади. Саккизинчи қаватдан шаҳар кафтдек кўринади. Роса томоша қилди.

Лекин каталакдек хоналарда сиқилди. Учинчи куни қишлоққа кетаман, деб туриб олди.

– Уй бузилай деб қолиби, шу ерда яшайвермайсизларми? – деб сўради ўғли.


– Нима деялсан, синчдан курилган-ку, сени манави каталагингдан мустаҳкам, – деди Шароф ота.

Қишлоққа келган кунлари ёк Анваржон усталарни чақириб, чолу кампирнинг уйини таъмиглашга киришиди. Ноиложликдан неварасининг икки қаватли уйда яшаб турган ота тез-тез усталар ишидан хабар олиб турарди. Унга қадрдан бўлган қалдирғочлар ини бузилгандан кейин Анваржоннинг

пешайвонига уя қурмоқчи бўлиб, роса айланишиди, жой излашди, лекин кўним топишмади.

Кайта таъмирандган чиқарилгач, чолу кампир яна қадрдан уйларига кўчишиди. Ота одатдагидай пешайвонда хотиржам ёнбошлаб ётаркан, уйга яна бир бор кўз югуртириб чиқди ва Яратгана шукроналар айтди. Қалдирғочлар чуғурлашиб яна айвон бурчаги – ошёнларига ин кура бошлашиди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИННИГ СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИНИ ТАЙЁРЛАШ БҮЙИЧА ОЛИЙ КУРСЛАРИГА ТАНЛОВ ЗЬЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги Академиясининг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўрта-максус ва олий маълумотга эга, 25 ўшгача бўлган, бўй-басти 170 см. дан паст бўлмаган, ҳақиқий ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақирив резервиде муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, ўзининг ахлоқий ва касбий хислатлари, соғлигининг ҳолатига кўра ички ишлар идораларида хизмат ўташга лаёқатли Ўзбекистон фуқаролари танлов асосида қабул қилинадилар.

Шунингдек, ички ишлар идораларининг патрульпост, ўйл-патруль хизматлари йўналишлари бўйича ўқишига кириш хоҳишини билдиран номзодларнинг бўйи камида 180 см. бўлиши лозим.

Бундан ташқари, ички ишлар идоралари ва тизимларида камида 3 йил давомида хизмат ўтаётган, ўрта-максус ёки олий маълумотга эга ҳамда сержантлар таркиби лавозимларига тайинланиши режалаштирилаётган сафдорлар ҳам танловда иштирок этиши мумкин.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида ички ишлар идоралари ва тизимларининг талаб эҳтиёжлари асосида сержантлар таркиби тайёрлови амалга оширилади.

Олий курсларда ўқиш муддати – 6 ой.

Курсантлар ўқиш давомида бепул озиқ-овқат, максус кийим-бosh ва ётоқхона билан таъминланадилар. Шунингдек, уларга стипендия ҳам тўлаб борилади.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўқишига киривчи номзодлар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимлар асослари, касбий-руҳий тайёргарлик бўйича тест синовларини топширадилар ҳамда улардан жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳонлар қабул қилинади.

Номзодлар қабул имтиҳонлари ва тест синовларини давлат ёки рус тилида топширишлари мумкин.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига танлов 2006 йил сентябрь ойининг 2-декадасида ўтказилади.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўқишига кириш хоҳишини билдиран номзодлар Қорақалпогистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ва вилоятлар ИИБлари шахсий таркиб билан ишлар хизматига мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати.

Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-бараган чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамиз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга



Телефон: (371) 139-73-88

Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қўйишида телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

ҲАДИСЛАР

● Аёл диёнати ёки молу дунёси, ёхуд жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисими танлатини, барака топгур!

● Бир мўмин бемор ётган мўмин биродарини кўргани борса, босиб ўтган йўлларида жаннат боғларида юргандек бўлади.

● Имонли одам вазъдага ва-фодор бўлади.

● Мўминлар бир-бирларининг оғриқларига шерик бўлишлари керак. Бу бош оғригандан бамисоли бутун тана оғригани кабидир.

● Кишиларнинг молини ноҳақ ейишига ўч одамлар қиёмат куни дўзахга маҳкумлар.

● Кишилар ўргасидаги низо ва муаммолар хусусида тўғри фикр берадиган ва одилона ҳукм чиқаралиганлар яхши одамлардир.

● Ҳар бир одамнинг амакиси иззат-хурмат ва муносабатда ўз отаси кабидир.


● Ҳар бир нарсанинг авжи бор. Одами келган киши ўзини тўғри тутиб юрса, ундан яхшилик кутинглар. Мабодо шуҳратпастлик ва маймансирашга ўтса, уни мукаммал одам ҳисобламанлар.

● Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат.

● Судхўрлик гуноҳдан ҳам ашаддироқ гуноҳ мўмин кишининг обрўсини ноҳақ тўкишидир.

● Аёлларга эркаклар ўз тунгашини опа-сингиллари каби муносабатда бўлишлари керак.

● Икки кишининг бирга ўтириб қылган сұхбатидаги гаплари омонатдир. Сұхбат курган кишилар Тангрининг омонати билан тарқагайлар. Сұхбатдошининг сирини фош қилиш тақиқлангандир.



Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinosari
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Navbatchi: Sadreddin Shamsiddinov
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'sratish shart.
Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahsil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.
Kelegusi sonda uchrashguncha xayrl



MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Ipak yo'lli» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi
bosishasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher
Navoyi ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007
raqam bilan ro'yhatga olingan. Buyurtma J-2491. Bosilish - ofset usulida. Hajmi
~ 6 bosma taboq. 56016 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakkta tarbitda
~ 180. Tashkilotlar uchun ~ 366. Bosishga topshirish vaqt - 23.00. Bosishga
topshirildi - 23.00. N - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.